

Миллий Илҳол



Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1997 йил. 24 июн

25 (106)-сон

Президент Ислам Каримов янги асарининг мамлакат вилоятларида ва хусусан, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Тошкент вилоятларида тақдими ўтар экан, турли халқ қатламларида бу китобни ўртага қўйиб фикрлашар эканми, китоб ва ҳаёт бир-бирига нақадар яқинлигини кўриш, кузатишга мўяссар бўлди. Шу сиз билан бизга тугал мансуб бўлган ҳаёт бағридан, унинг улуг оқимлари, тўқинлари, жонли, тирик жараёнлари бағирларидан етилиб чиққан китоб. Инсоният тақдирига ҳавф солаётган таҳдидлар, мамлакатлар, халқлар, миллатлар барқарорлигига раҳна солувчи, кишилик бошига турли офатлар, вайронгарчиликлар келтирувчи ҳалокатли воқеалар, ёш мустақил миллий давлатларнинг тараққиёти кафолатлари хусусида ер юзиде ҳозиргача ҳеч ким бунчалар кўюниб, бунчалар қайғуриб, бунчалар дард билан ёзмаган эди.

Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларида янги ҳокимлар келганига нисбатан олганда кўп вақт бўлгани йўқ. Ишларнинг суръати, сифати, мазмунида кўзга яққол ташланиб турадиган ўзгаришлар, хайри томонга шиддатли силжишлар бор.

Каттаю кичикнинг тили, дили, ўй-хаёлида бугун галла! Табиатнинг ўқовсиз синовларидан ўтиб, ям-яшил етилиб, бақувват бўй тортиб келаётган гўзада! Унинг парваришида! Ёш ҳокимлар вилоят ҳокимлигига уйғун, муносиб. Янги ҳокимлар қисқа бир вақт ичида ўз зиммаларига тоширилган вазифалар, ҳудудларини беш қўлда билиб, ўзлаштириб олганликлари одамни қувонтиради. Мирзиёев билан Мардиев билан гаплашсангиз ҳам, Исмоилов билан гаплашсангиз ҳам, одам уларнинг суҳбатига тўймайди. Рақамлар яхши шеърнинг сатрларидай тинимсиз бири-бирига улашиб боради. Фойизлар, ҳисоб-ҳисоб — бугуннинг ҳисоб-рақамлари келажакнинг ҳисоб-рақамларига кетма-кет тизилиб, ажиб ҳўжалик манзаралари яратаяди.

Ҳокимларнинг суҳбатларини тинглаб, қилинаётган ишларнинг тўққинига на

зар ташлаб, тўғрими-йўқми, бир хулосага келдим: Бугун ҲОКИМ ЭНГ АВАЛО ИШБИЛАРМОН! Эркин бозор иқтисоди шароитида, ҳуқуқий демократик давлатда раҳбар фақат йўл-йўриқ кўрсатиб ўтирувчи, буйруқлар берувчи шахсдан кўра ишбилармонга кўпроқ яқиндир. Кўпроқ ишбилармондир. Янги ижтимоий иқтисод,

лармонлик аввало бу — ақл-заковат! Ақл-заковатсиз ишбилармонлик пуч нараса. Ақл-заковатга эга бўлмаган ишбилармон дарров синида. Ишлари ўлда-жўлда, чала-ярим қолиб кетади. Бундай ишбилармон ўлда-жўлда бир жой қуриб, сифатсиз маҳсулот чиқариб, сифатсиз таом тайёрлаб, тез орада бойиб кетишни кўзлайди.

нинг ишларга бефарқ эмасликлари. Аксинча, уларнинг кўзлари бу ажойиб ишлар рўёбга чиқётганидан чўғланиб турибди. Улар халқ учун қилинаётган ишлардан завқ ва илҳом олмақдалар.

Фахрланмоқдалар. Бу миллий кайфиятдаги янгилик. Бу Президент орзу қилган ақл-заковатнинг илк намоён бўлиши! Қийинчиликлардан, халқ қилинмаган ишларнинг қўл-лигидан, янги миллий ҳаётнинг ёғилиб келаётган турли муаммоларидан тугиладиган ҳорғинлик ва чарқоқ кетар, унутилар... Ўзбек халқи ўз ақл-заковатига муносиб яшаётти, муносиб ишляпти, унинг илҳом шунинг учун тугалмасдир, деган фикр эса одамга ҳамиша буюқ қаноат ва қувват ато этади.

Ахли диёр билан янги тақдиротга тайёрланар эканми, ТВда университет даргоҳида Президент Каримов билан Президент Алиевнинг нутқларини жон қулоғи билан тингладик.

Босиқ, вазмин Ўткир Хошимов ўрнидан туриб кетди:

— Юрагим тўлиб кетди. Бу сўзлар ўтмиш режим устидан ўқилган ҳукм. Келажак эса озода миллатлариники эканлигини кўрсатувчи умидбахшлиқдир.

Президент Алиев ўтмишга кескин, ҳаққоний баҳосини берар экан, Президент Каримов олиб бораётган сиёсатнинг кучи ва аҳамияти ҳақида улкан ишонч билан далолат келтирар эди.

Четдан қараганда, миқёслар янада аён кўринади.

Бу эътирофда улуг ғояларнинг миллий халқ ҳаётинидаги аҳамияти мужассамлашгандай эди...

Иброҳим ҒАҒУРОВ

ТАБИАТ ВА ИНСОН



Дунёни очқўзлик тутатади. Энг очқўз мавжудот эса инсондир. Инсоният яратилдики, табиат билан курашиб келади. Ва унинг кураши алдлақачон салбий таъсирини кўрсатган. Ер юзидан минглаб турли хил ўсимликлар, ҳайвонот олами йўқ бўлиб кетди. Табиат, иқлим ўзгарди ва булар одамзотга ҳам таҳдид сола бошлади.

Яратганга минг қатла шукрки, бугун инсон ўз хатосини англаб етди. Табиатни енгиб бўлмаслигини, табиатга қарши қўйилган ҳар бир қадмал тирикликка, мавжудликка қарши ташланган одим эканлигини тушунди. Шунинг учун у бугун табиатни асрашга интилоқда.

Ер ягона тириклик манбаи. Тупроқ бўлмаса, ер бўлмаса,

яратилган жамийки ихтиролар, кашфиётларнинг ҳеч қимга келарми йўқ. Ер бўлмаса чўпон дала кезмайди, қизилқич ва қўзбойлағич ўз хўнари билан ҳеч қимни ҳайратга соломлайди.

Шундай экан, табиатга, ерга, инсонга, Ватанга меҳрли бўлайлик, уларни севайлик, ардоқлайлик.

2-, 3-, 4-бетлар.

ҲАЁТ ҒОЯЛАРИ — ҒОЯЛАР ҲАЁТИ

янги миллий тикланиш ҳоқидан ишбилармон бўлишни қатъиян талаб қи-



лади.

Ҳақиқий маънодаги ишбилармонлик жуда ўткир таъсир қудратига эга. Ҳокимнинг ишбилармонлиги дарров атрофдагиларга ўтади, атрофдагиларни эргаштиради, атрофдагиларни илҳомлантиради.

Ҳокимнинг ишбилармонлиги унга жуда катта ишонч ато этади. Халқнинг ишончини қозониш эса осон эмас. Президент ўз асарларида миллий тараққиётнинг кафолатлари ҳақида сўз юритганда, халқнинг ақл-заковатини биринчи бўлиб тилга олади. Унга тараққиёт кафолатларининг кафолати деб қарайди. Президентнинг бунга тилансиз ургу бераётгани бежиз эмас. Улуг ғоялар халқнинг ақл-заковатидан ўтиб, халқнинг ақл-заковатига айланиб боради. Самаралар, натижалар келтирмаслиги мумкин. Бир одамга жуда кўп нарсаси бўлиши мумкин. Бир одамга жуда кўп нарсаси бўлиши мумкин. Бир одамга жуда кўп нарсаси бўлиши мумкин.

Лекин у ҳеч қачон тез орада бойиб кетмайди. Чунки унинг нияти яхши ва тоза эмас. Кўзбўямачиликнинг умри ва замони қисқа. Вақт, бозор бундай енгилтақ ишбилармонлик дарҳол ҳазондек супуриб ташлайди. Бозор иқтисодидан, эркинликдан олиб юривчилар — шулар, нўпоқ ишбилармонлар. Камиди йигирма-эллик йиллик тараққиётни кўзлаб иш юритмаган ишбилармон — вақтиний дарёсидан балиқ тутолмайди.

Шунинг учун ишбилармонлик аввало, ақл-заковат. Ҳокимлик ҳам аввало, ақл-заковат.

Ўқтам Исмоилов Сирдарёда, Катта Ўзбек йўлида иккита янги бозор очаётган экан. Ростки, бу янги қурилган бозорларга ҳазинасиз келди. Шинам расталар, бозор атрофи маънавий хизмат идоралари, устаконалар, одамларнинг энг биринчи эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган, халқнинг қадамини ўзлаштирадиган зарур зарур жойлар. Буларнинг бари ҳўжақўрсинга қурилмагани, балки жуда узокни кўзлаб, кўп хайрли манфаатларни назарда тутиб яхши ният билан барпо этилгани кўриниб турибди.

Бозор фаровонлигининг барометри. Халқ учун энг қулай жой. Бозорларга деҳқонларнинг юкларини ташиб келтириш учун ян-янги «Дамас» машиналари ажратилган. Уларнинг ялтироқ бикинларига бозор ва деҳқон эҳтиёжлари учун хизмат қилишлари равшан қилиб ёзиб қўйилган. Ишқилиб хизмат қилсин. Ишқилиб хизмат қилсин. Ишқилиб хизмат қилсин.

Бозорларга деҳқонларнинг юкларини ташиб келтириш учун ян-янги «Дамас» машиналари ажратилган. Уларнинг ялтироқ бикинларига бозор ва деҳқон эҳтиёжлари учун хизмат қилишлари равшан қилиб ёзиб қўйилган. Ишқилиб хизмат қилсин. Ишқилиб хизмат қилсин. Ишқилиб хизмат қилсин.

ВАТАНИНИ КЎЙЛАМОҚ САОДАТ

Ватанини жону танидан ортиқ кўрган кўнгилнинг иймони тиниқ бўлади. Тиниқ иймонли кўнгилда яхшилик ва меҳр яшайди, эътиқод ва қадр яшайди. Бундай кўнгил билан севиладан юрт боғларида улғайган фарзандлар Ватанини сўғувчи ва қўйлагувчи бўладилар. Яқинда Олтинқўл туманида бўлиб ўтган «Ўзбекистон — Ватаним мени» қўшиқлар кўрк-танловидеда бу ғоя яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топди. Даврада янграган ҳар бир қўшиқ Ватанга муҳаббатнинг ўзига ҳос рамзи, иқтидорнинг ўзига ҳос шарҳи бўлди. Биринчи ўрин туман матбуот комитети ходими Давлатхон Тошматовга насиб этди. У бу шарфа андижонлик шоир Усмонжон Шукровнинг «Ифтихоримиз» газалини халқ оҳангига солиб, катта ашула жанрида қўйиллатиб ижро этгани учун лойиқ қўрилди. Иккинчи ўрин «Бола дегин мени» қўшиғи учун Авазбек Назировга, учинчи ўрин Шерзод Содиқов сўзига оҳанг басталаб қўйлаган Бегижон Эшматов ва Рустанжон Ривожидиновларга берилди.

Балиқчи туманидаги кўрк-танловга республика телевидениеси хузуридаги халқ чолғу асбоблари ансамблининг бадий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тилас Ҳўжабердиев бошчилигида-

лар. Ушандан буён ҳозирга қадар водийда ягона ҳиёбланган бу масканда ҳар йили тўрт-беш мартдадан бадий кўргазмалар намоиши этилиб, санъат илҳомландирган эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Галереянинг яқинда очилган навбатдаги кўргазмаси рамзий маънода «Орзулар парвози» деб номланган. Унда Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган, Қўқон, Анграк каби шаҳарларда яшовчи ўғил халқ усталари ва мўйқалам соҳибларининг ижод намуналари — сувбўёқ воситасида яратилган расмлар, турли жисмлардан ишланган ҳайкаллар, портретлар, манзаралар, натюрморлар намоишга қўйилди. Улар орасида Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедов, рассомлар уюшмаси аъзолари Жўрғат Раҳмонов, Акмал Нур, Файзулла Аҳмад-жонов, Эркин Азизов, Ҳайдарали Усмонов, Раҳимжон Қувондиқов, Турсунали Аҳмадалиев, Обиджон Бакиров, Улғубек Болтабоев сингари истеъдодли ижодкорларнинг асарлари бор. Кўргазмадан, шунингдек, америкалик мусаввир Бёрнс Янкерхоним, ноғирон ўсмирлардан Анваржон Абдурахматов, Авазхон Бўтаев, Наманган давлат доирлиқларида тахсил олаётган бўлажак рассомларнинг ишлари ҳам ўрин олган.

Замира РЎЗИЕВА

«ТУМОР» ТУҲҒОЛАРИ

Бундан тўрт йил муқаддам наманганлик рассом Иброҳим Валихўжаев ва санъатшўнос Насима Жўраева ажойиб ташаббус билан қўш қандақандилар. Ўз сўй-ҳаракатлари билан шаҳардаги «Кимёгар» маданият уйида «Тумор» хусусий бадий галереясини очгани-

АДИБ ХОТИРАСИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

«МТ»: воқеалар, хабарлар

Миркарим Осим ўз умрини ўтмишимизни ўрганишга бахшида этган фидойи инсонлардан эди. Шунга кўра, мазоний адиб сифатида шўхрат қозонганди, тарихий қаҳрамонлиқ, тарихий-маънавий, тарихий таржимаи ҳол мавзуларидаги асарлар муаллифи сифатида элга танилганди. Унинг айниса, «Астрофод», «Ўтор», «Тумарис», «Широк», «Темур Малик», «Алексаандр ва Спитамен», «Моҳларойим ва Хонпошша», «Карвон кўнгириги», «Эчиллар» каби асарлари, шунингдек, Алишер Навоий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Ҳоразмий, Боборхон Машраб каби алломаларимизга бағишланган «Зулмат ичра нур», «Жайхун устидеа бутлурлар», «Ибн Сино қиссаси», «Алжабрнинг туғилиши», «Синган ситор» сингари қиссалари ўқувчилар томонидан илқ қутиб олинган.

Зеро, адиб ўз ижоди орқали ватанпарварлик, миллатпарварлик ва инсонпарварлик ғояларини улғулади, халқимизни ўз ўтмиши ила ошроа этишга, буюқ аждодларимиз ҳаёти, илмий ва ижодий фаолияти билан яқиндан таништиришга интилди.

Халқ жафокашу захмат-каш фарзандларини унутмайди. Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Тошкент вилояти «Турон» кутубхонаси таниқли ёзув-

яни касб байрамимизни нишонлаймиз.

Ўтган ярим йил қалам-кашлар, хусусан, биз матбуот ахли учун қизгин кечди. Ва шу билан бир қаторда ўтган даврни журналистлар ҳаётида ўзгаришлар даври сифатида ҳам эътироф этса бўлади. Зеро, танқид келажак меvasи деганларидек, шаънимизга турли давраларда, айтилган аччиқ-тизик гаплар ниҳоят ўз самарасини кўрсата бошлади: матбуотимизда жуда у қадар талаб этилаётган тарзда бўлмасада, ҳар қалай ўзгариш, жонлишиш эса берди. Бу ўзгаришни бугунги газета-журналларда аққол кузатиш мумкин. Қувонарли томони шундаки, ўзгаришлар ҳам шакл, ҳам сифат жиҳатидан рўй берди.

Албатта, ҳали дўппини осмонга отишга эрта. Зеро, бугунги матбуот ахли демократик давлат талаблари даражасида эмас, биз ҳали тўртинчи ҳокимият даражасига кўтари-

полмадик.

Бироқ шукрки, «муз ўрнидан қўчди». Инчунин, матбуотда ижобий жараён энди ўз жойида тўхтаб, депсиниб қолмади, фақат олдинга кетади. Чунки бугун матбуот ходимининг фаолияти қонун йўли билан мустақкамланди.

Гап Олий Мажлисимизнинг сунги сессиясида қабул қилинган «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ҳамда «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар ҳақида бўлмоқда. Бу икки муҳим ҳужжат илгор фикрли журналистларимиз дастуриламалига айланиб қолганига шубҳа йўқ. Зеро, айнан уларда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларимизга амал қилганимиз ҳолдагина биз ҳақиқий «тўртинчи ҳокимият» вакилларига айланимиз, ана шундагина газета-журналистларимиз саҳифаларида элмиз, миллатдошларимиз дилидаги орзу-армонлар, ижтимоий ҳаётимиз муаммолари ўз аксини топади. Ана шундагина халқимиз онг-шуурида табиатга нисбатан ишонч, эътиқод кучаяди. Ана шундагина бизнинг нисбатимиз замон талабига жавоб бера оладиган газета-журналларга айланилади. Ана шундагина биз, мисол учун, америкалик журналист олиб борадиган «журналистик текширувини» видеоларда кўриб, ҳайратланиб ўтиравер-

бўлган тўртинчи ҳокимият сари атак-чечак қилиб кетаётгандек. Аммо, муҳими — интилув бор, муҳими — истак-хоҳиш бор, муҳими — ҳуқуқий асос бор. Қолгани эса ... қолгани эса ҳаммамизга боғлиқ.

Матбуот — миллионлар минбари. Демак, унинг бугунги ҳам, эртаси ҳам икки қундан кейин касб байрамини нишонлайдиган барча журналистларга, захматкаш босмаҳона ходимларига, компютерчиларга, техник ходимларга... умуман, барча барчамизга боғлиқ. Барчамизга байрам муборак бўлсин!

ТУПРОҚ ОЛСАНГ, ОЛТИН БЎЛСИН

Баъзи мутахассисларнинг қайд этишича, замин юзасида бир қафт қатламгина ҳосилдор тупроқ бўларкан. Яъни айнан мана шу қатламга экилган мева-чевавалар, ўсимликларгина қутилган ҳосилни беракан. Бироқ, ўз навбатида, бундай ҳосилдор қатлам ҳосил бўлиши учун неча-неча йиллар, неча-неча қимёвий жараёнлар содир бўлиши тақозо этиларкан.

Ер — ҳазина. Аммо ундан билиб-билмай фойдаланиш ўша ҳосилдор қатламнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келаркан. Мана шунинг учун ҳам миришкор ота-боболаримиз, тажрибали деҳқонлар заминнинг ҳар қаричига меҳр-муҳаббат ҳамда илм билан ёндошишган. Натижада замин ҳам улардан ўз саховатини аямаган.

Лекин «Табиатдан эҳсон қутиб ўтирмаймиз, биз уни ишлашга мажбур қиламиз»

деган ақида ҳукм сурган, «Болшевиклар олдида забт этилмайди» деган васваса кенг қанот ёйган Шўро даврида ерга пала-партиш, фақат бир неча йилни ўйлаб шафқатсизларча муносабатда бўлиди.

Маълумки, бундай ҳўжа-сизларча юритилган сиёсат оқибатида айниқса Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг ҳосилдор заминини жуда кўп талафот қўрди. Натижада экологик фожиянинг дастлабки белгилари турмушимизда акс эта бошлади.

Қолбўки, ота-боболаримиз заминини суйиб, мудом «Она ер» деб аташган. Ахир, қайси фарзанд ўзини едириб-ичирган, тўйдирган волидасига ёмонлик раво қўлади.

Бироқ ҳаёт давом этмоқда. Заминни соғломлаштиришнинг асрлар давомида халқимиз кўз қорачиқдай асраб келган тажрибалари қаторида илм-фан янгиликларини ҳам қўллаб келди. Зотан, янги аср бўсағасида илмий-амалий изланишлардан фойдаланмаслик мумкин ҳам эмас.

Ўтган ҳафта Тошкент Давлат аграр университетида «Тупроқдан оқилона фойдаланишнинг экологик жиҳатлари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Аграр университет, «Эко-сан» халқаро жамағармаси ҳамда Тупроқшунослик ва агрохимия институтини ҳамкорликда ташкил этган ўшбу анжуманда республикамизда тупроқ муҳофазаси, тупроқ-экология-саломатлик, кишлоқ ҳўжалигининг тупроққа таъсири сингари жуда долзарб мавзуларда маърузалар ҳамда баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Гулчехра МУРОДАЛИЕВА

СЮРРЕАЛИЗМ — ЗЎРРЕАЛИЗММИ?

2 - бет

СУКУНАТ

4-бет

Санъат ва нафосатдаги боқий нарсалар ақл ила ҳис-хаёл уйлунлигидан туғилган.

Гояй.

Ижод доим сир. Унга го-хо ижодкор иштирокида ҳам етолмайди. Биринчи нагма ёки биринчи кифоя қандай идиодан, қайси ибтидо-дан туғилганини тополмайди, шурида ҳосил бўлган сирли бир тугун дилини ўртаб, ё сўз, ё сўз та-лаб қилаверади; энг га-ройиб шундаки, у тоғла-нида ҳам тўла қоникмайди, бу иштилофдан ақлининг, вужуднинг, имконнинг маҳ-дудлигини туйиб, охир на-тижада шоир кетидан, «Уйимизни сарсон қилган ҳар қандай жумбоқ вақти келиб ечим топар, йўқ, ақл мутлоқ», деб ночор такрор-лашга мажбур бўлади. Бир-роқ шундай ижодкорлар бўладики, бу иштилофдан мавжуд намо кидиради ва маъно топади ҳам.

Ақл, рационализм Декар-тдан кейин Оврупа учун ҳамма нарсасга қодир куч-га айланди. Илм, фан, тех-ника жадал ривожланди, теизм ўрнига атеизм, идеализм ўрнига материа-лизм, романтизм ўрнига реализм, ҳамма жойда бой ҳис-хаёл ўрнига курак, ҳис-собо-китобга, ўлчовга мойил ақл, рационализм қарор топа борди. Теизм ҳам, идеализм ҳам, романтизм ҳам ақл тафаккурни-нг курак қонунлари нуктаи назаридан, кундалик ҳаёт эҳтиёжлари чиғирғидан ўтказиб баҳоланадиган бўлди. Ҳар қандай ихтиро сивилизация ютуғи, ақли-ниг маҳдудот устидан го-либлиги сифатида шараф-ланди. Бироқ инсон руҳи ақлнинг чекланишини ёк-тирмайди, борлиқ тубидан яна борлиқ, шу тубидан яна шу, чексизлик туби-дан яна чексизлик излаш



мумкин. Сюрреализм ақл-ни бутунлай инкор эт-майди, у билан қоник-майди ҳам. У ақлнинг му-холифи эмас, муҳожиби; у ақлни ҳиссий-хаёлий тад-қиқ билан тўлдириш та-рафдори, ҳатто у бу бора-да мантиқни атайин буза-ди. Мантиқни бузиб но-мантиқийликда ҳам сирли, боқий бир ижтимоъ бор-ки, уни излашнинг ўзи мантиқдир, аммо у — ақл ўлчовидаги эмас, ҳиссий-хаёлий олам ўлчовидаги мантиқ.

«Мен рангасвирини ма-ҳв қилиш учун келганман!» (С. Дали). Санъат тарихи-

ган сўзларини эслайсан. Нозик билагиға милтиқ ти-ғи санчилган. Милтиқ ке-тидан икки қролпон бири-бирининг томоғидан оти-либ чиқмоқда. Бир зум ўт-май уларнинг маҳобатли панжалари, ханжарсимон қайрилма тирноқлари, ваҳ-шийона очилган жағлари беғам ётган фариштани тилка-тилка қилиб ташла-ши мумкин. Паланглар ўз навбатида наҳанг, наҳанг эса ёрилган анор ичидан чиққан. Узоқда денгиз у-стида ўз хожасини минди-риб фил бормоқда. Унинг осмонга етгудек ингичка оёқлари ғайритабиийлиги

гандай. Пастдаги чексиз обгун само эса ер ўзига ортиқча қурган Маҳдунни ўз бағрига олиш учун ку-чоқ очайтгандай. Бошқа су-ратлардагидек на фарёд уриб йиғлаётган Биби Ма-рра бор, на бемаҳол гав-дани ҳочдан олаётган ха-шорийлар. Улар ўрнида об-гун осмонга қўшилиб кет-ган мовий денгиз, михлар орасини ёриб чиқаётган кўк бор. «Будда» суратида ҳам мангулик, чексизлик мавзуйи устун. У файласу-фона мураккабга ундайди. Тўқ бинафша бўёқлардаги тепаликлар, сувга акси тушган қироқлар ва но-

сий-хаёлий идрокка ўчили-ги Ўзбекистонда ҳам сюр-реализмни вужудга кел-тирди. Сюрреализм нафй ва муоабат этган суратлар бугун кўргазма ва дўкон-ларда намоиш этилмоқ-да. И. Икромжонов, Э. Ис-хоков, Г. Сеитова, Б. Ту-раев, А. Верниченко, М. Антонов, А. Ширниёзда-нов, Р. Мухаммаров каби мўйқалам усталарининг асарлари нафақат жанр-лари, шу билан бирга, борлиққа ҳиссий-хаёлий муносабати, мавзугарга сингдирилган фалсафий го-ялари билан ҳам ранг-барангдир. И. Икромжо-

намоён бўлган. «Салтанат-нинг кулаши» суратида пурқарий совуқ ва ички зиддиятларга тўла тикили-шига кўчган, пурмакри аф-тини, пешонасини, иякла-рини босган ғайрихаётий ажинларга сингган оддий — «барча давр ва барча ха-лқлар устози» тасвирлан-ган. У бор-йўғи оҳак тош хайкал, бироқ суратлигини унутиб совуқ башарадан орқанга қарамай қочиб қолгунг келади. Хайкалча орқасида қуюқ қора ва қун-гир рангларда ҳаддан таш-қари баҳаббат, бино бў-либ, бино гилдирак бўлиб, гилдирак портлаш бўлиб портлаш эмас, қандайдир дўзахсифат бир



Сюрреализм — зўрреализмми?

да ҳеч бир даҳо бундай пиндорликка берилмаган. Лекин Салвадор Дали классик санъатни эмас, балки «Ўчқанин» ифлос тўқларни қолдирган излар расом мўйқалами қолди-радиган излардан гўзал-роқ». «Энди расомлар ҳам, ёзувчилар ҳам, муси-қачилар ҳам, сиёсатчилар ҳам, армия ҳам, ватан ҳам... ҳеч нима, ҳеч нима, ҳеч нима керак эмас», деб даҳо қилувчи, мусавви-рининг ўз ибораси билан айтганда, «қўланкаларни» назарда тутди. «Ўзини сюрреалистлар деб атаёт-ганлар — менинг қўланка-ларим. Сюрреализм бу — мен!». Шунинг учун у кун-даликларида, таржиман-хотида бирорта «қўланка-ларни» тилга олмайди, уларнинг асарлари ҳақида тўхталмайди, гўёки санъат олами — Рафаэл, П. Элюар, П. Пикассо, Л. Бюносел, Л. Лорка ва С. Дали — ўзидан бошқа ҳеч ким бўлмагандай. «Мен да-ҳоман!» Бу барча қўланка-лар, нусхачилар, соцре-ализмдаги кўчирмачилар устидан чиқарилган ҳукм бўлиб эшитилади.

Салвадор Далининг «Туш...» деган сурати бор. Унда бир-бирига зид ва ғайрихаётий манзаралар мусаввар. Бепоев мовий денгиз. Ер парчаси устида табиат исор этган бор ис-мати ва малохатини кўз-кўз қилиб, сирли туш оғу-шида бир малойи ётибди. У шунчалик муассирона мусаввири, бўртиб турган сийна тагидан осуда, бир маромда ураётган юрак саси эшитилаётгандай. Ногоҳон уйғотиб юбориш-дан қўрқасан, нафасингни ичингга ютиб машхур санъаткорнинг «Аёл тана-сида табиат яратган бар-ча гўзаллик мужассам», де-

билан кулги уйғотида... Тушга нималар қирмайди? Лекин мен ундан маъно ах-тараман. «Асарларимдаги сирларга ўзим ҳам етол-майман, улардаги маъно шунчалик чуқур, мураккаб, ранг-баранг ва ўзбошим-чаки, улар оддий мантиқ-қа тутқич бермайди». Ха-қиқатан ҳам, агар сюрре-ализм бемаънилик бўлгани-да эди, ундан маъно ах-тариш ҳам беъманилик бў-ларди.

Мусаввири таъкидла-шича, анор ёнида уцаётган болари тушини уйғотган. Болари билан фаришта ўр-тасида нима алоқа бор? Нигоҳингиз қироили ўги-рилган бўйиндан энди етилган олмадек тўлиқ кўк-ракка, ундан қадимги грек тоштасвирларидаги маъбу-даларникидек сийлик ва гўё оламнинг мафтункор нуктаси каби, хаёлни ўзи-га тортувчи киндикка сир-ғалади. Ногоҳон болари ана шу киндикдан чиққан ёки унга қайтиши керак бўлса-чи, деган фикр ту-ғилади. Тўғри, фикр ғайри-хаётий. Ахир ғайрихаётий та-свир ғайрихаётий фикр уйғотмайди? Демак, туш ҳам ана шу нуктадан чиқ-қан, у — ҳаёт нуктаси, ман-гулик нуктаси.

Чексиз самодда инсонни-нг ўзи ҳам нукта, болари-дек асал йиғувчи нукта. «Чизувчи! Комилликдан қўрқма, сен унга ҳеч қачон етолмайсан!» Комиллик чекланганлигини енгиб, чекланмаганга тинмай ин-тилишда. Чизмида ҳам, ёзишда ҳам, фалсафада ҳам. Салвадор Дали, Гар-сия Лорка ҳавас қилган шеърлар битган, умрини-нг охиригача фалсафа би-лан шуғулланган. «Михлан-ган Исо» суратида яна чек-сизликка интилиш мавжуд. Исо ҳочдан тушиб кетади-

мавхум аллақандай шакл-ларга уланиб, қўшилиб кетган бош мусаввар. У — Будда. Нигоҳи мураккаб, дунё ишлари уни безовта қилмайди, шу боис хотир-жам мураккаб қилаётган-дай: «Ҳаммаси ўткинчи, ҳеч нима, ҳеч ким мангу эмас». Айтишларига қараганда, Дали бу суратини умрини-нг охирида, шухратдан ҳам, давлатдан ҳам тўйиб энг яқин кишиларидан айрилган, хилватнишин яратган. Ким билади, бал-ки ўзи доим интилган тез ора обгун осмонга руҳи, чексизликка вужудга қўши-лажани сезиб Будда сўз-ларини тез-тез такрорлаб ўтгандир, чунки даврлар, қилмиш-қидирмишлар ўз-гача бўлса-да охириги нидо ҳамон ўша-ўша...

Сюрреализмни баъзан хунуқликни, емирилишни та-свирлашда айблашади. Бироқ нега гўзаллиқни та-свирлаш мумкин хунуқлик-ни мумкин эмас? Гўзал-лиқнинг гўзаллиги хунуқлик орқали идрок этилмайди-ми? Хунуқликни нафй этиш гўзаллиқни ҳам нафй этиш эмасми? Аслида «Хунуқлик ноёб нарсас, худди гўзал-лик каби ноёб» (Леонардо да Винчи). Соцреализм гў-залликдан гўзаллик из-лайди, сюрреализм — ху-нуқликдан, чунки унинг учун мутлоқ хунуқлик йўқ. Емирилиш эса чекланган-ликни ҳислати. Оламда ўз зоҳирини йўқотмайдиган нарсас борми ўзи? Ҳамма нарсас, шу қатори дунёу мофиҳо ҳам, вақти келиб чексизлик қаьрига сингиб кетади. Демак, хунуқлик ва емирилиш, худди гўзаллик ва яралиш каби, мавжуд-лик қонунини, санъаткор уларнинг қайси бирини санъатлади — унинг ихтиё-ри, руҳ эҳтиёжи.

Ижодкор ақлининг ҳис-

нов суратларида қуюқ кўн-ғир бўёқлар билан та-свир-ланган тупроқ уюмлари худди шундай бўёқларда-ги фазога, кенгликка қў-шилиб, жимжитлик ярат-ган. Улкан суратда бирор тирик жон йўқ. Совуқ жим-ликдан қандайдир ба-ҳайбат қуш — бойўғли бўлса керак — ҳам қотиб қолган. Бир кунмас бир кун ўзинг ҳам ана шу уюм-лар тагидан ва совуқ ке-нгликдан таралаётган жимликка мағлуб бўласан. Тезроқ бу жимликдан қоч-гинг келади, аммо шури-нга уйғонган фикрдан қо-чолмаслигини сезиб ҳаё-лингдан ниманидир ўзгар-тиринг, қалбингга чўккан жимлиқни бузгинг, ҳатто қўлингга бўёқ олиб суратга бежозат қуёш нурини то-ртгинг келади. Тўғри, му-саввири асарларини тўла сюрреализмга тааллуқли деб бўлмайди, аммо улар-да сюрреализмга ҳис ма-вхумликдан фалсафий маъно излаш бор.

Бахтиёр Тураев миллий та-свирий санъатини сюр-реализм билан қўшишга мойил. Натижада миниа-тюра санъатида янги бир йўналиш пайдо бўлаётга-нини кузатамиз. «Ойдан юқорида» суратида шата-лок отиб кетаётган эшак-да кўзойнагини бурни учи-га қўндириб ўзича алла-нималарни хаёл суриб бо-раётган чол мусаввар. У ўз ҳаёлига шунчалик маш-ғулки, ҳатто бир қовуши тушиб қолганини ҳам сез-майди. Эшак арава ўрни-га узун таёқча қўлган. Таёқча устида «от ўйини» кетаяпти. Унда шахмат ўйнаётган икки киши ҳам ўтирибди. Бор-йўғи битта эгри-тўғри гилдирак та-гидан тортилган ипдан бир сиким пичан осилиб эшак-ни олға қорламоқда. Пи-чан қармоқча илгинган. Су-ратда ғайрихаётий нарсас йўқ, лекин расом уларни шундай ғайрихаётий ва ғайритабиий жойлаштир-ганки, мавжудлик мавхум-ликка, мавхумлик мавжуд-ликка айланди.

Тошкентлик А. Верни-ченко рангасвириларини том маънодаги сюрреали-зм намуналари десак бў-лади. Уларда ҳаётийлик билан ғайрихаётийлик, та-биийлик билан ғайрита-биийлик қўшилиб, янги бир ҳиссий-хаёлий олам

кўзга ташланади. Тепадан ўз ибтиҳодини яширмай кўзойнак остида бир одий тикилади. Унинг ким-лигини биласан, лекин но-мини тилга олгинг кел-майди. Ногоҳон тирилик қилишдан қўрқасан. Паст-да бир гуруҳ тарихий ша-хслар ижтимоъ бўлиб ус-тозни олқишламоқда. Мад-дохлик, сохта ибтиҳоҳ уларнинг дилларида нима кечаётганини яширол-майди. Бу та-свирлар бир-бирларига қатишиб, бири-бирини тўлдириб қуюқ бўёқлар таъсирида ғайри-табиий бир иморатга айланган. Ўнг томондан тушган нур, жуда қароғон бўлмаса-да, иморатга да-рз кетганини кўрсатади. Иморат бир оз олдинга эгилган, тез ора кулаши ва «оҳак тош хайкалани» бо-сиб қилиши мумкин... Су-рат 1990 йили чизилган, гўё мусаввири ўзравонлик-ка қурилган империянинг кулашини олдиндан туйгандай.

Империя тузишни ким-лар ният қилмаган: кимдир Қодирини, кимдир қудра-тини, кимдир қонини рўқас қилган. Оқибатда барчаси ўз юкларини ўзи кўтарол-майди, ўз қонхўрликларига ўзи чидалмай қулаган. «Ик-ки нарсанинг чеки йўқ: бир ҳам эзгуликнинг, бир ҳам ёвузликнинг» (Сенека). Тўғри, эзгуликни қадр-лаймиз, лекин унга таппи-намиз, ёвузликдан қўрқа-миз, ҳатто унга маҳкумвор-миз, лекин ундан қутулиш ўйидан кечолмаймиз. Ёвуз-ликнинг, шу жумладан, им-периянинг ҳам, фожиа-сини шундаки, у ўзига ўзи итоат этишни билмайди; у фақат бошқаларни қул этишни билади. Ўзини ўзига му-саллам этолмаган ўзгалар-ни ўзига мусаллам этол-майди...

Сюрреализм ҳар кимни-нг иқтидори ва руҳиятига мос фикр юриштига унда-ши билан ўзига тортади, ҳамма сир шундаки, у ҳар кимда* ва ҳар қараганин-гда ҳар хил фикр уйғотади, мураккаб ва муҳоварага қорлайди. У қотган қоидла-рини, андозаларни рад этади, кимсан, руҳинг ва мутасаввиригнинг нимага қодир, марҳамат, ол, кера-гича ҳулоса чиқар. Ўткин-чи ва муқаддас, чекланган ва чексизлик, ақл ва хаёл, яралган ва Яратган тилси-мотлари қанчалик ўйинги

«ОЛТИН МЕРОС»НИНГ ҚАНОТЛАРИ

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг мод-дий-маънавий меросимизни ўрганиш, йиғиш, хорижий юрт-ларда ўз бўлимларини очиш мақсадида илмий сафарлар, экспедициялар ташкил этиб, чет мамлакатлар илмий жа-маотчилиги, маданият арбоб-лари, савдо-тижорат намоён-далари билан ҳамкорлик ўр-натаётгани ҳуб иш бўлмоқда.

Ана шундай илмий сафар-лардан бири Туркия Жумҳу-риясига уюштирилди. Туркия-да миллий кутубхоналар зах-иралари, султонлар саройлари-даги нодир хазиналар, қўдан-қўп вақфлар фондлари, шах-сий жамғармалар йиғиндиси билан танишиш, қадимий ноёб кўлэзма китоблар, қамёб асарларга, амалий ва нафис санъат намуналарига, мусиқа, та-свирий санъатнинг бебаҳо буюмларига дуч келдик.

Қанақадан қачан тарихий ҳужжатлар, солномалар, мак-тублар, шажара битиклари, қадимий қулпочлик, мисгар-лик, ёғоч ўймакорлиги, ҳарбий асбоб-ускуналар, деҳқончи-лик, қорвадорлик, бодгорчи-лик маданиятига оид буюм-лар, гиламлар, чойшаб-палак-лар, сўзаналар, кийим-кеча-лар, уй-ўзғор анжомларига дуч келмадик дейсиз. Истан-бул, Анкара, Кўниё, Измир, Оқшаҳар, Оксарой, Тегирмон дара каби шаҳарларнинг ку-турхоналарида, Түпкопи, «Тур-к ислом», Турк ҳарбий «Ар-хеология», тарих ва санъат му-зейлари билан танишидик. Бун-да бизга Туркиядаги элчи-хонамиз ходимлари катта ёрдам кўрсатдилар. Эрдўгон Аслия-

чи, Камол Эрарслон, Содик Турол, Содик Ражаб ўғли, Ба-кир биринчи, Ражаб Шенол, Бирол Шенол, Ҳожибобо Эр-дўгон, Қаймоқчи Салоҳиддин, Ҳасан Сузур, Жевдат Қўрно-ўғли, Сулаймон Мардон ўғли, Маҳмуд Ўзхон, Муҳаммадхоним, Яшар Калафат, Хамди Шенол, Имом Илхонбег, Аҳмад Ша-кир, Ҳасан Қўруғли, Жавдот Туркўруғли, Умарбег каби илм-фан, адабиёт-санъат, сав-до-тижорат, радио-телевие-ние, газета-журналлар ходи-млари, олий ўқув юртларининг талабалари биздан ўзларини-нг самимий, беғараз ёрдам-ларини аямасдилар. Булар ва бошқаларнинг чин ҳайрихо-ликлари тўғрисида «Олтин ме-рос» халқаро жамғармаси зимманига қўйган вазифа-ларни бирмунча уйдальди ол-дик. Аини шундай пайтларда яна бир қарра дўст-биродар-лик, хайрихолик, бир-бирига ёрдам қўлини чўзиш, бир-би-рини тўғри ағлаш, тўғри ту-шуниш қанчалар катта фойда келтиришига амин бўласиз. Хазинийнинг газаллар маж-муаси, Баҳодуддин Нақшбан-дийнинг икки китоби, Амир Темур даврида кўчирилган «Қўрьони Карим» нусхалари, Бобур Мирзонинг ўзи ихтиро қилган ҳатта ўз қўли билан би-тилган «Қўрьони Карим», Тўп-қопи саройида сақланаётган Амир Хўсрав Деҳлавий, турли шоирларнинг шеърый мажмуа-лари, маснавийлар тўпламла-ри, Ҳофиз, Хўжандий, Ху-сайний девонлари, Низомий «Ҳамса»си, Фирдавсий «Шоҳ-нома»си, Қосим Анварий қул-лиёти, «Зафарнома» ва бош-

қа нодир ёдгорликларни кў-зимизга суртидик. Бу ўринда шуни ҳам эсла-тиб ўтишим керакики, Баҳоду-дин Нақшбанднинг «Ҳадийят-ас-солиқин» ва «Танҳиш-ал-го-филин» китоблари ҳақида сўз юритган олимлар, бу асарлар Истанбулнинг қайси кутубхо-наси ё белгилли бир жойда сақланаётганини ҳақида жўя-ли маълумотга эга эмаслик-ларини айтганлар.

Камина Нақшбанднинг ана шу китоблари борасида сў-раб-суриштириб, улар Истан-булдаги машхур Сулаймоний кутубхонасида сақланаётган-лигига ишонч ҳосил қилдим ва бу ҳақда етарли маълумотлар-га эга бўлдим. Аммо, кутуб-хонанинг қўлэмалар бўлими таъмир ҳолатида бўлганлиги сабабли китобларни қўлга олиб қўришга эришмадик. Ин-шоаллоҳ, бу борадаги изла-нишларимиз бундан кейин ҳам давом этади, деган ниятда-миз.

Илмий сафаримизда Али Қўшчи ва Улуғбекнинг сандал ёғочидан асалган нафис бе-зақли китоб сандикларини, Анкара миллий кутубхонасини-нг тўрт жилдик «Қўлэмалар каталоги»ни, профессор Ке-мол Эрарслон томонидан на-шрга тайинланган Алишер Ва-войининг «Насойимул-мухаб-бат» асарининг мукаммал мат-нининг биринчи китобини (1996 йил, Анкара) профессор Меҳмед Саройнинг «Янги тур-к жумҳуриятлари тарихи» туркумида чиққан «Ўзбек ту-рклири тарихи» (1992), Амир Темурга бағишланган «Темур ва давлатни бошқариш стра-

тегияси» (1994, Истанбул), Ху-сайн Ўзбойнинг «Чўлпоннинг шеърлари», шунингдек, турк-ман «Гўрўғли» дostonларини-нг саккиз жиллик мажмуаси, туркий халқлар фольклори, ти-ли, маданияти, тиббиётига оид бир қатор бошқа киммат-ли китоблар илмий экспеди-циямизга тортиқ этилди.

Экспедиция бир ойдан кўп-роқ давом этди. Шу муддат ичида Анкаранинг Кичиқўрон белидисиси Комил Ўчоқ махал-ласида соҳибқирон Амир Те-мурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан ташкил этилган Соҳибқирон номида-ги маданият ва истироҳат бо-ғида, Амир Темур билан Йил-дири Боязид тўқнашган ва Анкара жанги деб номланган «Шоҳ малик», «Қалъа» ва бош-қа тарихий жойларда бўлиб, Амир Темур, Али Қўшчи, Жа-лолиддин Румий, Ҳожи Бектош вали каби боболаримиз тў-ғрисидаги афсоналар, ривоят-лар, машхур Хўжа Насриддин ҳақидаги фольклор намунала-ри қаламга олинди.

Сафар чоғи аҳойиб бир ян-гиликдан хабар топдик. Измир шаҳрида «Турк халқлари аба-дий дўстлиги» маданий-маърифий маркази (монумент-тал мажмуа) ташкил этиш ус-тида улкан иш олиб борилмоқ-да. Мемориал мажмуани Из-мир билан Ўзбекистоннинг Анкарадаги Буюқ элчилиги ташкил этади ва қуради. У шу йилнинг июл ойда очилиши кўзда тутилмоқда.

Туркия илмий сафарига қўлга киритилган энг муҳим ютуқлар қаторига — Анкара ва Истанбул шаҳарларида Ўзе-бекистон «Олтин мерос» халқа-

ро хайрия жамғармасининг хорижий бўлимлари очилиши-ни қўиш мумкин. «Олтин ме-рос»нинг Туркия бўлимига «Шенол — Раҳмат» қорхона-сининг президенти Режаб Ше-нол бошлик этиб сайланди. Анкара бўлимига эса Ҳожи Бектош вали вақфининг вице-президенти Сулаймон Мардон ўғли бошчилик қилади. Режаб Шенол ва Сулаймон Мардон ўғли ўзбек ва турк халқлари-нинг абадий дўст-биродарли-ларининг ҳормас-толмас таш-килотчиларидандир. Ҳар икки бўлим Ўзбекистон «Олтин ме-рос» халқаро хайрия жамғар-маси Низомиди кўзда тутил-ган ҳарли ва савобли ишлар-ни бошлаб юборди. Шунинг-дек, Измир, Кўниё, Кастамо-ния, Қайсарий, Эскишаҳар, Ок-шаҳар каби Туркия шаҳарла-рида ҳам «Олтин мерос» хал-қаро хайрия жамғармасининг бўлимларини очиш режалаш-тирилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси дунёга чиқиб муайян ютуқларни қўлга ки-ритмоқда.

Қанотни бундан буён ҳам кенгрок ёйиш, жойлардаги му-зейлар фондларида, шахсий кишилар жамғармаларида, қо-лаверса, шоҳлар, султонлар, президентлар, вақфлар тасар-руфларидаги ўзбек халқига мансуб ОЛТИН МЕРОСни аниқлаш, улардан халқимизни баҳраманд этиш маданий та-рихиямиз мундарижасини ке-нгайтириш — кечиктириб бўл-майдиған савобли ишлардир.

Малик МУРОД, профессор



Ўзбеклик

Виктор АЛИМАСОВ

ТАБИАТ ВА ИНСОН

«Мунозара» драматик публицистикага мойил бир асар сифатида замоннинг зайли билан тарихий тараққиётнинг икки поғонасига туриб қолган, дин ва дунё, жамият ва маърифат ҳақида икки хил қарашлари бўлган икки кишининг ёрқин бахши асосига қурилган бўлиб, муаллиф хурофотни, бидъатни қоралади, унга чинакам эътиқодни қарши қўйди. Ақлу донишчи, унинг самараси — тараққиёт ва фаровонлиқни ҳимоя қилди. Бухоро амيري шунинг учун ҳам «Мунозара»нинг эълон қилинишига қарши чиқди. Шунда Фитрат амирга мактуб-сўзбоши ёзди, асар чоп этилишига рухсат олди. Қадим ва жадид инзоларидан баҳс этган, содда ва раван ёзилган «Мунозара»да Бухоро халқининг руҳияси ҳисобга олингани туфайли бухороликларда жуда яхши

самлантирди. Абдурауф таҳминан 1909 йилнинг охириларида Яқин Шарқ мамлакатларига саёхатдан Туркияга келган Мухаммадшариф Сўфизода, 1914 йили Истанбулда таҳсилда бўлган Ғози Олим Юнусов билан учрашди. Бухорода ва Туркияда ўқишни ҳавас қилган, аммо сармоясизлиги туфайли Истанбулда кўп қола олмаган Ҳамза Ҳакимзода билан 1912 йилда суҳбатда бўлади. 1907—1912 йиллари Туркияда ўқиган, инқилобдан кейин Ўзбекистонга келиб адабиётшуносо олим сифатида танилган профессор Абдурахмон Саъдий билан қўришади. Фитрат Туркияда экан, 1912 йили «Еш татар ёзувчилари» деган тўплам чоп этилган эди. 1922 йилда эса Тошкентда «Ўзбек ёш шоирлари» китоби чоп қилинди. Тўпламга Фитратнинг бир туркум шеърла-

октябр ўзгаришлари миллий мустақиллик масаласида ҳеч нарсга бермади. Бу йўлдаги уринишлар, жулудан, Қирим ва Туркистон мухториятлари шифатсиз зарбага учради. Қирим ва Туркистоннинг ҳалқига ўз тақдирини ўзи ҳал қилишга йўл қўйилмади. Ҳокимият уларга тегмади. Ҳокимият чор мустамлакачиларидан совет мустамлакачилари қўлига ўтди. Энг ёмони, буларнинг ҳаммаси халқ, ишчи-деҳқон номи билан қилинди. Тарғибот машинаси ишга туширилиб, тенглик, эркинлик, бахт-саодат ҳақида қўлоқларга бонг урилди. Октябр сарҳади олиниб, тарих иккига бўли ташланди: ундан олдинки қон-қора, кейинки оппоқ, деб таърифланди. ...Абдурауф Бухорога қайтиб келганда жадидларнинг кекса ва ёш авлодлари ўртасида жиддий тўқнашув бўлиб ўтади ва натижада ҳара-

дилар. Мажлисида Бедил асарлари ўқилиб, мағзи чақилади, изоҳланади. Унинг адабий меросидаги таълим-тарбияга оид ғоялар, ўтмишнинг замонавий аҳамияти масаласи шунда ўз ечимини топади. Фитрат худди шундай бир жараён муносабати билан ўз дунёқарашининг илк даври ҳақида руй-рост мулоҳазаларини баён этади. Асарнинг бош қаҳрамони Қутлуг ва унинг дўсти Рустам тасвирида, Абдурауф ва Бакир фаолиятлари билан яқиндан таниш бўлган китобхон уларнинг чизгиларини сезади, замона зиёлиси қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб топади. Аини замонда Қутлуг образида Файзулла Ҳўжаевга хос баъзи чизгилар ҳам кўринади. Фитратнинг «Ўзбек адабиётиндан намуналар» дарслигининг яратилиш тарихи ҳам маъроқли. 1926 йили Садриддин

да кечар эди. Бакир Чўбонзода Ўзбекистон маданий ҳаёти билан яқиндан таниш эди. 1926 йили янги алифбонинг жорий этиш муносабати билан илк бор Самарқандга келган олим ўзбек маданиятини доимо кузатиб борди. 1928 йили эса Ўрта Осиё давлат дорилфунунида, Фарғона ва Бухоро педагогика институтларида янги алифбонинг моҳияти тўғрисида маърузалар ўқиди. 1934—1935 йиллари бу институтларда ўзбек тили ва адабиёти кафедраларига мудири бўлган олим ёш ўзбек тилшуносо олимларини тарбиялашда фаол қатнашди. Шу даврда профессорлар Чўбонзода ва Фитрат туркий ва Шарқ адабиётларининг тарихи ҳақида ёзган асарлари ила Шарқ адабиётларининг билимдонлари Н.Самойлович, Е.Бертелс, В.Жирмунский, Л.Климович, И.Крочковский билан ёнма-ён турши ҳуқуқини қозондилар. Чунки улар юқорида номлари саналган буюк шарқшунослар билан шунчалик таниш бўлмаганлар, Л.И.Климовичнинг эслашича, уларга айрим кўзёнамаларнинг матнларини етказиб берганлар, ўша асарларни ўрганиш йўллариини тушунтирганлар.

Л.И.Климовичнинг 1960 йили эслашича, Бакир Чўбонзода туркийлар ҳақида шундай деган: «Биз ҳозир турли миллатларимиз, аслида эса туркистонлигимиз, туронлигимиз, умумият-ла турккимиз. Биз каби буюк маданиятга, тил бойлигига, дунё ва инсоният тарихига хизмат қилган илм-фан кишиларига, донгли шахсиятларга бой бир миллат йўқ. Ер юзюда яшаган турк элига мансуб кишилар тарихда юз йилларга яқин давлат қурди. Ўз миллати — «Турк улуси» билан фахрланган Алишер Навоий:

Агар бир ҳавми, агар юз, йўқса мингдир, Муайян турк улуси худ менингдир, деб бежиз айтмаган. Бу XX асрда асир бўлиб қолган турк халқларининг йўл қўратувчиси Исмоилбек Фаспиралнинг «Тилда, фикрда ва ишда бирлик» шioriига уйғун бир сўз-дир. Зотан, бугунда, дунёда биз, туркларга тилдош, маданиятдош, тақдирдош бўлган икки юз миллиондан ортиқ ирқдошларимиз яшаётган экан, шубҳасиз, бизнинг адабиётдаги, мафкурадаги йўлимиз ёндоширди. ...

Фитрат ўзига замондош буюк зиялилардан маълумотининг кенглиги, хайрихоҳлиги, кишиларга мадад қилини турғизи билан устун турар, айрим ёзувчилардек худбин эмас, қаламхас дўстларининг ютқуридан чин юракдан қувонар эди. 30-йиллардаги кўна газеталар, журналлар ва нашриётлар унга буюртмалар берар, ёзган асарларини худ-

ТОШАРНИ ЁРИБ ЧИҚҚАН ҲАЁТ

Миллий ҳаракатларнинг манбалари

Иккинчи мақола

таассурот қолдирди. Шунинг учун ҳам бу асар 1911 йилда Ҳожи Мўмин томонидан Ўзбек тилига таржима қилиниб, 1913 йилда Махмудхўжа Бехбудий ёзувбошини билан «Туркистон вилотиёнинг газети»да босилди. Аини шу нашриётда А.Н.Кондратевнинг таржимасида бу рисола рус тилида ҳам чоп қилинди.

Шу йилларда куч-ғайратга тўлган Фитрат бутунлай адабиётда берилди. «Сайха» шеърлар тўпламини чоп қилдиргач, Исмоилбекнинг «Дорул-роҳат мусулмонларини форсийга ўғиришга киришди. Рўмон ғоят қисқа муддатда таржима қилиниб, Бухорога жўнатилди. Шу вақт дорилфунуни тавомилдан Нўмон Қиримига қайтиб, инқилобий ҳаракатларга қўшилиш, ўз юртыда демократия йўл билан қурултой ўтказиб, ҳокимиятни қўлга олиш фикрида эди. Фитрат ҳам унинг фикрига қўшилди. Исмоилбек рўмонини таржима этиш жараёнида унда янги фикрлар ҳам пайдо бўлди. Асар қўлемаси Бухорога келтирилгач, ёшларнинг «Китобхонаи маърифат» жамияти ҳаракати билан нашр этилди.

Маълумки, «Дорул-роҳат мусулмонларининг» бош қаҳрамони мулла Аббос Тошкентдан чиқиб, Оврулгона боргани ва мусулмонлар дин-шариат билан иш қўриб, ҳур, эркин, озода жамият қурганлари ҳақида ҳикоя этган бўлса, Фитрат узоқдан ўз юртыга назар ташлашни мақсад қилиб қўйди ва устоз адиб изидан бориб «Ҳинд сайёҳи қиссасини» ёзди. Чўбонзода ва Чалаби Жаҳон томонидан маъқулланган бу асар 1912 йилда Истанбулда нашр этилди. Рўмон услубида ёзилган бу асарда Бухоронинг илмий, сиёсий ва иқтисодий аҳоли шифатсиз танқид қилинди. Муфти Махмудхўжа Бехбудий уни рус тилига таржима қилдириб нашр эттирди.

Фитрат «Мунозара»да маърифатпарвар адиб сифатида Бухоро амирлиги идорасига маълум ислохот-ўзгариш киритиш ғоясини илгари сурган эди. Бироқ у бу йўлнинг хато эканлигини пайкаб, «Ҳинд сайёҳи қиссаси»да маълум даражада Бухоро амирлигини нисбатан ўз эътирозларини баён этади. Турки, асарда «Ўзбекининг ҳали ислохотчилик ғояларидан буткул воз кечмагани сезилади. Аинан шу ғоя Исмоил Фаспирали асарларида ҳам илгари сурилган эди. Бироқ Бухоро давлатининг маданияти, табобати, саноати ва ҳатто ер ости бойликларидан халқ манфаати йўлида фойдаланиш, ўлканинг маънавий ва моддий бойликлари ҳақидаги қайғуришлари уни ўқувчи кўзи ўнгюда юксакликка кўтарди.

Қисса Бухорога келган ҳиндистонлик мусулмон сайёҳ тилидан ҳикоя қилинади. Аслида ҳинд сайёҳи — ёзувчининг ўзи. Лекин шахсан ўзи эмас, унда XIX асрнинг сўнггида ва XX аср бошида бир неча бор Бухорога келган ҳамда унинг аянчили вазияти тўғрисида қуюнчи мақолалар ёзган ва «Таржимон»да эълон этган Исмоилбекка хос ҳаётий чизгилар сезилади. Бу ерда Фитратнинг асар қўрилмаси босаридаги махорати, фикрини баён қилиш услуби ўзига хос шаклланишга кўринади.

Шу билан бирга, ҳинд сайёҳини бутунлай муаллифнинг ўзи дейиш ҳам мумкин эмас. Чунки Фитрат ҳинд сайёҳи образида бутун Туркистон зиёлилари, аниқроғи, жадидларининг умумий характер-хусусиятлари, ғояларини мухас-

ри киритилган эди. Истанбулда ўқиган, шўролар даврида Қирим мактабларида директор бўлиб ишлаган, 1937-йилларда қурбон бўлган Қарим Жамолидиновнинг ёзиб қолдирган эсдаликларидан Абдурауф Фитратга дорир сўзларни бир оғиз бўлса-да, келтириб ўтмоқчиман. Қарим Жамолидиновнинг эсдаликлари 70—йилларда Чирчиқ шаҳрида яшаган унинг ўғли Фуодининг қўлида сақланган бўлиб, у менга кўрсатган эди.

«...1914 йили биз Абдурауфни юртига қўзатганимизда, худди уни биринчи марта кўргандай, дилбар йигитга суқланиб қараган эдик. Истанбулда муллавачча қиёфасида салла ураб ва чопон кийиб келган Абдурауф энди оврулгона киёини олган эди. Хазини ўрнига қўйдиган Бакир биродари билан хайрлашар экан: «Эси, шундай муллавачча қиёғит олти йилда Истанбулдан Бухорога қоғир бўлиб қайтмоқда», — деди.

Дунёда инқилобий ҳаракатлар қизиб кетди. Каттол истибод қўл ҳаракатларини аёвсиз бостирди.

Фитрат бу ҳаракатларни диққат билан кузатиб борди ва улар ичида бўлишга интилди. Бу пайтда биз уни Самарқандда қилиб турган «Хуррият» газетасида озодлик ғояларини тарғиб этиб борганилигини кўрамыз. Айрим тадқиқотларда Фитрат Қўқон мухториятини эълон қилган қурултойда қатнашмади, деган фикрларга дуч келамиз. Турки, қурултой иштирокчилари рўйхатида унинг номи йўқ. Унинг ўзи эса «Епишмаган гажжаклар» деган мақолаида «Мен Самарқанд томонидан вақил бўлиб сайланганим ҳолда, Қўқонга бормадим, мухториятнинг ҳеч бир ишига иштирок қилмадим», деб ёзди. Аммо Аҳмад Заки Валидий Тугон ўз «Хотиралари»да «Фитрат Туркистон мухториятининг даъвати билан Қўқонга борди» деб ёзган.

Бу даврда, миллий мустақил давлатлар тузиш ғояси Қирим ва Туркистон матбуотида қизган муҳокама қилинган пайтда бир ой давомида Фитратнинг номи матбуотда кўринмайди. «Хуррият» газетасида 1917 йил 27 ноябр туничи «Миллий лайлатулқадри» деб атаган мақолада изтироз тўла қувончини ифода этади (Бизнингча, бу ерда Қирим мухторияти эълон қилинган 27 ноябр хабаридан руҳланиб, шу мақолани ёзган. Чунки Туркистон мухторияти 1917 йил 11 декабрда эълон қилинган).

«Эллик йилдан бери зилдид, тақхир этилди. Қўлимиз боғланди. Тилимиз кесилди. Оғзимиз қонланди. Еримиз босилди. Моллимиз таланди. Шарофимиз емирилди. Номусимиз ғасб қилинди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди. Тўзимли турдик, сабр этдик. Кучга тананган ҳар буйруққа бўйин сундик. Бутун борлигимизни қўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрини бермадик, йомилларимизга ўраб сақладик. Бу — Туркистон мухторияти!»

Маҳкамга эшикларидан йиғлаб қайтганда, ёруқсиз турма-ларда ётганда, йиртқун жангдорларнинг тепкиси билан йиқилганда, юртларимиз ёндирилганда, диндорларимиз осылганда онгимиз йўқолди. Миямиз бузилди. Қўлимиз ёғдусиз қолди. Бирор нарсани қўра олмадик. Шу чоғда тушқун руҳимизни қутармоқ учун, шуқ қол-қоронғу дунёнинг узоқ бир ёринда оидин бир юлдуз яққилилаб турар эди. Бирор нарсасга ўтмаган қўлимиз шуну кўра эди. Ул нима эди? Бу — Туркистон мухторияти!»

Маълумки, Қиримда ва Туркистонда 1917 йилги феврал,

кат икки қанотга ажралиб кетди. Фитрат ўзидан ўн ёш кичик бўлса-да, сиёсий-ижтимоий курашда тахрибаси ортиб бораётган Файзулла Ҳўжаевга қўшилиб ва сўл қанот вақили сифатида танилди.

...Бакир Чўбонзода 1919 йили Венгрияда тузган «Най наволари» қўлемаси тўпламида Қирим мухторияти учун кураш йилларида миллий руҳда ёзилган шеърлари жамланган бўлиб, муаллифнинг сўзбошида унинг ғояси ва моҳияти оғиб берилган: «Менинг ёзганларим ҳеч нарсани билдирмас-да, қирилган, тузтиб юборилган, балки бугун, балки эртага ўлиб, йўқ бўлиб кетадиган қиримтатарини, унинг менлиги, қадрини, қуруларини яхши қўрсатади. Бир кун келиб тарих Қирим билан шугуллansa, қиримтатарни қиримтатарини қидирса, менинг ёзганларим ошқор бўлар. Шундай бўлмаса ҳам, зарари йўқ. Қиримтатарининг байроғи, шон-шўхрати, тупроғи йўқ бўлди, майли, менинг бир неча уйқусиз кечам, туманли, ғамгин кунларим унутилар. Менга бу сатрларни ёзган пайтимдаги лаззат, роҳат етар. Татар тили, ҳеч ким айтмасам ҳам, мен учун буюк, ширин, қимматлидир. Чунки унда халқимнинг минг йиллик қайғулари, ғам-ғуссалари, йиғит саси бор».

1924 йилга келиб, шундай сўзлар муаллифига ватанини тарқ этишдан бошқа чора қолмади. Қиримда мухторият тор-

Айини «Тожиқ адабиёти намуналари» тўпламини тайёрлаб, Москвада нашр эттиради. Абдулқосим Лоҳутийнинг тавсияси билан тузилган бу тўпламга ўзбек ва тожиқ тилларида ижод этган ўзбек адиблари ҳам киритилди. Файзулла Ҳўжаев бу тўплам билан танишгач, Фитратга «Ўзбек адабиётиндан намуналар» дарслиғи тузишни маслаҳат беради. Ўттизинчи йилларда Абдурауф Фитрат ва Бакир Чўбонзода асарлари учун жуда кўп дақиқа еган, бошлари маломат-дан чикмаган олимлар ва адиблар эдилар. Умуман, ўша кезларда Фитрат ва Чўбонзодини тегиб ўтиш, ўринли-уринсиз бўлса-да, бир-икки жулма билан ҳақоратлаб, камситиб кетиш ўзини «туркшун» деб билганлар учун ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланарди. Лекин бу маданият арбобларига нисбатан бошлангич катта қирғиннинг илк одимлари, хусусан, жадидларнинг сўнги авлодларига нисбатан охириги зарба эканини ҳеч ким ақлига келтирмас эди. Бу ҳужум Ж.Бойбулатовнинг 1929 йили «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган «Ўзбек адабиётиндан намуналар» қирин, қимматлидир. Чунки унда халқимнинг минг йиллик қайғулари, ғам-ғуссалари, йиғит саси бор».

Фитрат «Ж.Бойбулатовга очик хат» тарзида ёзилган «Епишмаган гажжаклар» мақо-



СУРАТДА:
ўтирганлар (чапдан
учинчи) Йўлдош
Охунбобоев,
(чапдан тўртинчи)
профессор Бакир
Чўбонзода. 1926
йил. Самарқанд.
Тил бўйича
конференция
қатнашчилари
орасида(?).

мор эзилган, таниқли қиримтатар зиёлиларининг қўпилиги қўнорувчилик билан шугулланган деб, отува ҳукм қилинади. Бу қурбонларнинг ақсарияти Туркияда таҳсилда бўлган мутахассислар эдилар.

Лекин мухторият ақ садоси тинмайди. Туркистоннинг баъзи шаҳарларида хайрихоҳлик намойишлари бўлиб ўтади. Бухорода ёш бухороликларнинг амир билан баҳси давом этади. Кураш кескинлашган эди.

1918 йилнинг мартидаги машҳур «Қолесов воқеаси»дан кейин Тошкентга келган Фитрат муаллимлики қилди. Тасо-дифни қарангки, 1920 йилги Фитрат Афғонистон элчионасида, Чўбонзода эса Будапештда Туркия элчионасида таржимонлик билан кун кечирадилар.

Фитратнинг 1920-1922 йиллардаги ижтимоий-сиёсий фаолияти, унинг расмий лавозимлардан қандай ўзлаштирилгани ҳақида кўп ёзилди. Аини чоғда 1922—1924 йилларда, Шарқ халқлари инсти-тутинда ишлаган кезлари, Бакир Чўбонзода билан биргаликда турк, форс ва араб тиллари ва адабиётларининг маърузалар қилди, нуфузли олим дўстининг тавсияси билан унга Ленинград дорилфунунининг профессори унвони берилди.

Шу йиллар Фитрат ҳаёлида «Бедил», яъни «Бир маж-лисда» асарини ёзиш ғояси туғилди.

Ёш бухороликлар бир ерга тўпланиб, қадимдан Шарқ халқларида анъана бўлиб кел-лаётган «Бедилхонлик» қила-

ласида сохта олимнинг қарашларини рад қилди, унинг фикрлари асоссиз эканлигини исботлаб берди.

Лекин камситиш машинаси тўла ишга тушган эди. Аини пайтда Қирим ва Озарбойжонда ҳам зиёлилар худди шундай ҳолатни бошларидан кечирмоқда эдилар.

Чўбонзода Ўзбекистонни юракдан севар, имкон топиши билан бу ўлкага ошқар, ўзбек олимлари ва адиблари ўртасида кўп дўстлар орттирган эди. Хусусан, биринчи ўзбек тилшуносо профессори Ғози Олим Юнусов, шоирлар Чўлпон ва Боту билан дўстлигини жуда қадрлар эди. Бу эса олимнинг ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги соҳасида қимматли тадқиқотлар яратилишига замин бўлди. Олим хусусан Алишер Навоий ижоди билан қизиқди. «Навоий — тиличи», «Навоийнинг тили ва тилшунослиги» каби мақола-ларида буюқ ўзбек шоири ижодини кенг тарғиб қилди. «Бойқора ва унинг девони», «Ўзбек адабий тили ҳақида» каби мақолаларида ўзбек тили ва адабиётининг миллий хусусиятлари, унинг мумтоз меросини ўрганиш муаммолари тўхталади. «Фузўли ва унинг адабиёт тарихидаги ўрни» мақоласи буюқ озарбойжон шоирининг ижодини тўғри баҳолашда янги босқич бўлди. Бунда Фитрат билан дўстлигининг таъсири жуда сезилди. Лекин бу дўстлик ришталари кенг маънода ошқор эмас, у даврининг кескин мафкуравий кураши шаорити-

лик билан босиб чиқарар эдилар. Бироқ 30-йилларнинг ўрталарида Фитрат асарларини турли бахоналар билан чоп этишдан бош торта бошлади-лар. Шундан Фитрат изтироб-га тушар эди. Афсуски, у адо-латсизлик қурбони бўлди. Ма-на, ҳақиқат юзига чиқиб, уни-нг пок номи оқланди, улкан мероси халққа қайтди.

Фитрат ва Чўбонзода тадқиқотлари илмий-назарий жи-хатдан жуда юксак бўлиб, улар туркий тил ва адабиётининг шаклланиш босқичлари, тарқалиш доираси, муайян асар-ларнинг, адабий факт ва ҳо-дисаларнинг талқини масала-ларида ўз даврининг энг сўн-ги маълумот ва қарашлари-га таяндилар. Уларнинг маш-хур турк олимлари, Овруло шарқшунослари билан олиб бораган самарали илмий му-воҳасасида ҳавас ва ифтихор уйғотишининг боиси ҳам шун-да.

Ҳозир биз тарихимизнинг мураккаб, зиддиятли, таҳлика-ли, шу билан баробар, ўта масъулиятли ҳамда умидбахш давларини бошдан кечираймиз. Бир томонда, туркий халқларнинг асл фидойи ўғлон-лари узоқ йиллар орзулаган истиқлол амалга ошди. Иккин-чи томондан, шу истиқлол ғоя-лари руҳиятимизни кўтариш-га, маънавиятимизни мустах-камлашга хизмат этадиган ҳур даврлар бошланди. Миллий адабиётларда ижодий алоқа ришталари қанчалик маҳкам бўлса, бу адабиётларнинг ис-тиқболи шунчалик порлоқ бў-лади.

Сафтер НАҒАЕВ

ТАБИАТ ВА ИНСОН



Оқ лайлаклар қайғасиз?

Ишга ҳар кун и эрталаб пиёда бориб, кеч-қурун пиёда қайтман. Ўй билан ишхона ўртасидаги яқин, беҳавотир сирдош йўл юра-мига ошно, қадрдонимга айланиб қолган. Аксарият ҳолларда ёлғиз бориб ёлғиз қайтиш-ни хоҳлайман. Битта-иккита сарманакнинг илашиб қолиши ўйларимга ҳалал беришидан қўрқаман. Чунки мен бу йўладан ҳар гал руҳиятимга яқин туғилур айл қоришиб ўтаман...

Уша кун и оқшомда гўё чекларин соғган-дек ёмғир қийди. Негадир баҳорнинг бу йилги илк ёмғири бўлачақ туолди менга. Уст бошим шалаббо бўлиб бораётган эса-да, ёмғир баданимга хуш ёқаётган эди. Атроф ҳам бир зумда мазаза қилди гўё. Дов-даракларнинг япроқлари тинчлашиб, сергаклашиб қолди. Мен шу чоғ баҳор фасли фазилати ва таро-вати ҳақида ўйлаб борадим. Дарҳақиқат, биз-да «Хар фаслнинг ўз зийнати бор» — баҳор яшартириб, ёз пишиқчиллик, куз тўқинчиллик, қиш тиниқлик, ўқтамлик фасли...

Ёғаётган ёмғир шиддатига асло парво қилмадим. Оёқ-яланг ёмғир қўлмақларини «ёриб» чоғиб юрган болалик кезларим ёдимга тушди. Негадир бўғзимни хурсинқли тахир халқ-қорб эгаллаб келди. Шаҳарнинг бешинчи кич-ки ноҳиясига томон буриладиган мулош ибнига етганимда бир зум тўхтаб қолдим. Му-лошидидаги қорбоғ ўртасидаги бандан иллий гум-базу унинг тепасидаги оқ лайлакка ўрнатил-ган қўлбона рамзий ҳайкалча диққатини то-ртди. Кўнглим аланчуқ бўлиб кетди. Бўғ-зимдаги ўша сиқилиб келаётган халқобни тиз-гинлаб бўлмади. Қўз ёшларини қафтларим билан сидириб «лайлак»ка термуддим. У қилт-этмасди. Жонсиз бўлгандан кейин шу-да. Ни-ма бу ҳайкал лайлакни соғинишни? Хулоса-дан таскин топландек бўлдим. Францияда яшаб ижод этган адиб Эжен Ионескунинг «Хар кун: «Яратганга шўқр, менга яна бир кун-ни раво қўрди, дея ўйюлардим. Энди-чи: у мекдан тағин бир кунини олди дейман. Ҳамонки, ёзувлик мавхудлигини инкор этолмас эканман, мен тангрига ишонаман. Модомки, ёзувлик бор экан, демак раҳмидил Аллоҳ ҳам бор» — деган иқрори ёдимга тушди. Ҳа, раҳмидил Аллоҳ бор. Лайлакка рамзий ҳайкал ўрнатишни Алло-ло кимнингдир қўнглига солган.

Дарвоқе, «Лайлак келди ёз бўлди, қаноти қороз бўлди» — деб ёз келганидан шодлангич урган биз тенгилар бурғун ўз болалирига хуш хабар оҳангли бир нарс дейишга оғажидилар. Чунки ёз ҳар йил албатта келади. Бу табиат қонун и, аммо лайлаклар-чи? Улар Бухорога қайтаримканлар?

Табиатини севганимнинг боис табиат мав-зюда ёздиган ҳамасоабларим ижодини ҳам кузатиб юраман. Улар «Қизил китоб»га киритилган хайвонот ва паррандалар олами ҳақи-да қўйлаб ёзганлар, ёзаётдилар. Бир вақтлар қорабайр отлар йўқолиб бораётганлиги мат-буотда долзарб мавзу сифатида кўтариб чи-қилган эди. Оқтўш лайлаклар!

Уларнинг қанотлари орасида бўрон ухла-майди. Оқ лайлаклар турган биттани — назо-қат. У қадди-баст и билан бошини хиёл эғиб турган ёш келинчаққа ўхшайди. Узундан узок ўй-сукунт ининг доимий ҳамроҳи. Бир пайтлар Минораи Қалон тепасидаги бир жуфт лайлак-ни кўп бор кузатганман. Ўша оқ лайлаклар қаёққа қойиб бўлди? Ўзбекнинг таниқли шои-ри Абдулла Орипов бир вақтлар «Минораи Қалон тепасидаги лайлак» деган шеър эълон қилган эди. Мана, ўша шеър:

Ташлаб кетди бу шаҳарни беклар, амирлар,
Ташлаб кетди бу шаҳарни шайхлар, кабирлар,
Ташлаб кетди маҳмадон Мағнит давлати.
Булбуллар ҳам кетди бундан қўзларин ёшлаб,
Товуслар ҳам қайларгадир аста йўқолди.
Фақат бир қўш бу шаҳарни кетмади ташлаб,
Қақаб лайлак Бухорода мангуға қолди.
Мен бу холга хайрон бўлиб боқдим ҳар сафар,
Бир шеър излаб Бухорони кезганда узоқ.
Ахир кушини оёқлари гўзага ўхшар,
Қанотлари эса унинг пахтадек оппоқ.

Ҳа, оқ лайлаклар Бухорини тарқ этганига ўша замон тили билан айтганда икки беш йилликлдан ошди. Минораи Қалону, Қалта ми-норчадан тепаси, узун бўйли чинорларнинг бақувват таналарига бир вақтлар мустаҳкам қилиб қурилган лайлак уяларининг бўм-бўши-лиги, эгаси қўчиб кетган кимсасиз ҳовлини эслатади қўшди. Мен «мустаҳкам» сўзига ало-ҳида ургу бериб айтади. Чунки бу бобо ша-ҳарда яшаб аҳди шундай бўлган. Шунинг учун ҳам ин омонат қурилмаган. Мустаҳкам қўрғон қилиб қурилган. Бу масканлар шоир айтгани-дек «мангуға қолишга» розилик, қолаверса, бу розилик бахтиёрлик эди.

Нега у бахтиёрлик аҳди бузилди? Лайлак-лар нимадан ранжишди? Бу вақтинчалик хо-латми? Ёки... парентлиқ шоир Махмуд Тойир Бухорога келиб лайлак кўрмай бўзлаб шун-дай шеър ёзган:

Кеча тушларимда кўрдим мен сени,
Бухорини ташлаб кетган лайлаклар.
Бухоро овутсин кам

Жўра Файз миллий, тасаввуфий руҳдаги «Сулук» қиссаси муаллифидир. Хожа Аҳмад Яссавийнинг болалик чоғлари, валийлик оламига кириб келиши ҳақидаги бу шоирона қисса муаллиф таржимасида «Звезда Востока» журналининг беш сониде эълон қилинди. Асарнинг ҳалигача ўзбек тилида босилмагани бизнинг баъзан бепарво қарашимиз оқибатидир. Иншооллоҳ, ўзбекчаси ҳам яқин йилларда чиқиб қолар.

Жўра Файзнинг янги «Сукунат» асари ҳам азият-авлиёлар, руҳий олам сир-асрори ҳақида. Пойтахтимизнинг хушманзара ўрда кўприги яқинида қиш пайтлари юрагида ўти бор ёшлар ва қариялар оддий ва машҳур одамлар қабудан (капитан) Жўра Файз раҳбарлигида муззи ёриб чўмилишни ўрганидилар. Аммо Жўрабекнинг орзуси баъзи одамлар қалбидаги музларни ёриб, эритишдир. Шунинг учун ҳам у қадимий ҳинд фалсафаси, масиҳийлик ва ислом фалсафаси ҳақида узоқ суҳбатлар қуради. Инсонийлик фалсафасини ўрганибгина қолмай, унга амал қилиб яшайди. У бериб, беминнат, дили мусатфо, ҳурматга лойиқ инсонлардандир. Бу дўстимни узоқдан бўлса ҳам кўрганимда Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Миркарим Осим каби устозларимизнинг издошлари борлигини, Фурқат айтганидек, «жаҳон ақли расолардан холи эмаслиги»ни эслаб, дилим ёришади. Миллий Истиқлол туфайли бемалол, эркин фикрлаш мумкин бўлган замонларга етиб келганимиз учун Ҳақ-таолога шукроналар айтаман.

Маҳкам Маҳмуд АНДИЖОНИЙ

Ҳақ била суҳбат тутунг,
агар тутта олмасангиз, ул ки-
ши била тутунгиз, ул Ҳақ била
суҳбат тутар, то анинг
суҳбати баракотти сизни Ҳақга
еткурғай.

Абубақр САЙДАЛОНИЙ

Ҳижрий 246.

Тоza, булутсиз самодар саратон қуёши майин чарқалайди. Ҳавонинг лоҳувард ранги денгизга ҳам ўз аксини урган.

Чексиз бўшлиқни қоплаган бу ранг олдида қуёш нури ниҳоятда оқ, ёруғ бўлиб кўринади. Бу ёруғ-лик денгиз тўқилиқларида жонлини аста мавж уради.

Сувга баравар, бир маромда «чўлп-чўлп» этиб тушайтган эшак овози саратон қуёши майин чарқалайди. Ҳавонинг лоҳувард ранги денгизга ҳам ўз аксини урган.

Чексиз бўшлиқни қоплаган бу ранг олдида қуёш нури ниҳоятда оқ, ёруғ бўлиб кўринади. Бу ёруғ-лик денгиз тўқилиқларида жонлини аста мавж уради.

Сувга баравар, бир маромда «чўлп-чўлп» этиб тушайтган эшак овози саратон қуёши майин чарқалайди. Ҳавонинг лоҳувард ранги денгизга ҳам ўз аксини урган.

Чексиз бўшлиқни қоплаган бу ранг олдида қуёш нури ниҳоятда оқ, ёруғ бўлиб кўринади. Бу ёруғ-лик денгиз тўқилиқларида жонлини аста мавж уради.

Сувга баравар, бир маромда «чўлп-чўлп» этиб тушайтган эшак овози саратон қуёши майин чарқалайди. Ҳавонинг лоҳувард ранги денгизга ҳам ўз аксини урган.

Чексиз бўшлиқни қоплаган бу ранг олдида қуёш нури ниҳоятда оқ, ёруғ бўлиб кўринади. Бу ёруғ-лик денгиз тўқилиқларида жонлини аста мавж уради.

Чексиз бўшлиқни қоплаган бу ранг олдида қуёш нури ниҳоятда оқ, ёруғ бўлиб кўринади. Бу ёруғ-лик денгиз тўқилиқларида жонлини аста мавж уради.

ЧИН ИНСОНЛИК НАСИБ ЭТИШ

Осмон жуда йирок, осмон бепоеъ,
Ерининг кўп сирлари бизга ноаён.
Ҳамма жумбоқларни хал қилган каби
Нега сен осмонда юрибсан ҳамон?

Бўлсанг қаззоб, муттаҳам,
Ёқар ҳар қандай ҳаром.
Бир лаҳза бўлсан ҳалол
Яшамок келар малол.

Чумоли хотинини қисувга олар,
Дод-фарёд кўтарар захрини санчиб:
— Фил сени юрганин кўрдим кўтариб,
Икковингизни ҳам ташлайман янчиб!

Инсон гарчи минг бир имконга эга,
Аниқлаш қийинмас кучини.
Етиб бўлмагандай дунё тубига,
Фақат билиб бўлмас ичмини.

Юксак эъзозли соч бошини
Тарқ этиб кетмиш.
Хиёнат йўлини тутгани сабаб
Хор-йитиб кетмиш.

Эгам берган ризқини эрта еб бўлдинг.
Атаган қиймларин ҳам қийиб бўлдинг.
Айш-ишратни қўққа сочдинг беҳуда,
Айтгин, энди сени не қилсин худо?!

Ҳамма одам бир, беш қўл баробар —
Деган гапга ишона қолардим,
Агар барча қуртлар ипак ўраса...

Пашшалар ишига аралашиб Наҳанг,
Чикиб қонун чегарасидан,
Қолиб кетди қирғоқда, аттанг!..

Бу одам жуда ҳам аънаналироқ,
Тўйидан азаси тантаналироқ,
Тўйида қувониб деймиз: «муборак!»
Аза ярашибди деб бўлмас бироқ.

Бир—икки оёқдан чоғир ичилиб, гўшт ейилади.

Қорин тўйиб, бошлар кўтарилди. Талончилик қилиб, қўлга тушишдан қочиб кемада юрган сер-соқол, бақувват бадавий йиғит ёғли бармоқларини ялайди.

Меш тағида қолган чоғирни силқитиб оёққа қуяди, кўзини сузиб симиради. Ичиб бўлган, бо-шини кўтарди. Томоғини тақиллатиб, роҳат ичи-да «ох» тортиб қўяди. Ногоҳ кўзи кема тумшугида ёлғиз ўтирган йўловчига тушади.

Авал «Ие, бу ким» дегандай даврга қараб олади, кейин даргадан «Бу бир дарвеш бўлса ке-рак, эрта билан кемага чиқди» деган гапни эши-тиб, уни қақиради:

— Хой, бери кел! Биз билан ўтирмайсанми?..

Кемага тушганини жони бир... азбаройи худо... Жавоб бўлмаган, сўзи қайтмай ўрганган бада-вий ҳайрон бўлгандай қуюқ қора қосини кериб, даврадагиларга қараб олади. Кейин ўрнидан ту-риб унга яқин келади, елкасига

— Гунгмисан? Нега инда-майсан? Ё биздан ҳазар қиласан-ми?

Ўтирган аста юзини ўгиради. Машъаланинг қизғиш нури унинг кенг пешонали мардонга юзини ёритади. Хиёл сузилган йирик қо-ра кўзларида акс этган сокин лаз-зат ифодаси бевақф уйғотилган гў-дақ юзларида бўладиган таажжуб билан алмашади.

— Наша чекиб олганмисан? Не-га индамайсан?

Ўтирган «Нега индамаётганим-ни айтсам тушуна олсанми?» — дегандай лаби-нинг бир чети билан қулиб қўяди. Гўё бадавийни кўрмаётгандай назари орқада қўлида сўнғак чайнаб тўхтаган, ўзига қизиқиб қараган ўспирин-га тушади. Уни кўргач, «Бу ишни қўй, сенга яраш-майди», — дегандай аста бош қайтади.

Бадавий чоғирдан кейин хангома топиладиган завки кела бошлаган эди, гапни менсимасанга-рини кўриб астойдил жаҳли чика бошлайди.

«Ҳозир бир уриб, ичигади индамас шайтонни чиқариб юбораман», — деб пичирлаганча йиғит-нинг ёқасидан олади. Ўтирган йиғитнинг юзиди-га табассум бир зум бўлса ҳам ўзармаганини кў-риб иккиланади. Лекин даврадагиларнинг «Қўйса-нг—чи, ёш экан, қўй!» — деганлари бадавийга қизиган темиртаг сув ургандек таъсир қилади. У-нга яна ҳамманинг сўзига қарши бориш мардлик-дай туялади.

«Тегманг унга!» — деб қўлига ёпишган ўспирини силтаб ташлайди. Ўтиргани ёқасидан тор-тиб тургазди, кема четига судраб бориб, сувга итариб юборади. Унинг кетидан хансираб: «Бир шўрга тўйиб чиқсанг, ўзинга келасан», — деб қўй-ди. Ўспирин Абдумалик йилқилганин кетидан ха-вотир олиб қарайди. «Ҳозир итдай бўлиб чиқа-ди», деб ўтирган бадавийга нафрат билан: «Ка-ни, овози чимқаяпти—қу», — дейди.

Ҳамма бир зум индамай қотиб қолади. Сувдан сузган ё ёрдам сураган овоз эшитилмади. Ўтир-ганлар хавотир ичида ўрниларидан турадилар. Су-зувчилар ўзларини сувга отиб, чўкканини қидира-дилар. Узоқ қидириб, тополмай, бирин—кетин лан-гар арқонидан кўтарилиб саҳнага чўзилдилар. Энг кейин Абдумалик, ундан кейин ўлар ҳолатда ба-давий чиқиб келади. У эшакчаларнинг нафрат тўла нигоҳларини учратибдан кўзини олиб қо-чиб, кеманинг тумшук томонига, боя дарвеш ўтир-ган илҳом жойга бориб ўтиради. Абдумалик чарча-ганиданми, ё кўнгли бузилганиданми, бир одам кўз ўнгига йўқ бўлиб кетганини ичига сифдирил-май ўқиб йиғлаб юборади.

Ўз холидан ўзи уялгандай йиғи орасида бада-вийга тегишиб: «Ўзинг ҳам итдек чўқсан хали», — деб қўйди.

Бадавий мўлайган кўзларини кўкка тикиб, узоқ ўйлаб ётади.

Қўқда йирик бир юлдуз ўчиб, қоронғулик қаъри-га сингди.

Гўё одамлар ўткинчи хангомага берилиб, суку-

Давр дардга чалинса, тузалиб кетар.
Ақли расо таби уни соғ этар.
Халқ ризқин ўмарши касалига дуч —
Бўлганлар бир кун ўз бошига етар.

Қанча умр берсанг сенда ихтиёр,
Унутиб қўймайсан, эслаб тур такор.
Эй Худо, номардга дуч қилсанг расво,
Ёмоннинг юзини кўрсатма асло.

Худо давлат бериб, дўстга зор қилма.
Дўст дастурхонини ҳам асло тор қилма.
Кимни кўпайтирсанг ич билан қушдай,
Мингни бир ўрнида кўрмай хор қилма.

Тасодифан қолсанг бойликка ботиб,
Орзу қила кўрма ёмоқни ётиб.
Ичмадаги ёғ, деб ҳаддиндан ошиб,
Бошга балоларни олмагин сотиб.

Хариду даромад хушдир ризодан.
Халоллик йирокда кечгай гағводан.
Дунё бозорига келибсиз, яхши,
Хушбахт бўлинг Худо берган савдодан.

Йўлдошингиз покдомонлик, бозорингиз
чаққон бўлсин,
Инсоф асло тарқ этмасин, харидингиз
арзон бўлсин.
Умрингизга қут-баракат, савоб нури
ёғсин бисёр,
Худо берсин ризқингизни, мушкулнинг
осон бўлсин.

Ҳақиқат — пўлат.
Уни синаш учун оловда ҳаёт
Кайта қуйган чоғда чикар қуйқалар,
Мисоли мен ҳақман деган сийқалар.

Бил, дилинг ўзга қайғусин
чекмоқни муносиб этмиш,
Демак, Аллоҳ сийлаб, сенга
чин инсонлик насиб этмиш.

Қамбар ОТА

натнинг азалий ҳам абадий мусиқасини туйиш-дан вақтинча узилиб қолгандай, энди эса ҳамма нараса жой—жойини топгандай туюлади.

Ҳаж сафари билан Маккага кетаётган, миқти-дан келган ўрта яшар зиёратчи қўйлагини сиқиб туриб, Абдумаликка сўз қотади:

— Хафа бўлма, ўғлим, бу бевафо дунёнинг иши ҳаммиша шунча: бир пулга арзаймайдиган паст-кашларнинг касрига яхши одамлар қолади...

Эртаси тушдан кейин осмонда қушлар кўпайиб, манзил яқин қолгани билинади. Майин шамол денгизнинг чўчмак хидини кесиб, кишининг баҳ-ри дилини очувчи ер нафасини олиб келади.

Қуёш уфқ чизигига яқинлашиб қолган бўлса ҳам кечагидай қизармайди, фақат саргайиб хира тортади. Осмон хиралашиб қул рангга мойил бў-ла боради. Уфқда кўринган қора булут парчаси қачон пайдо бўлгани ҳам, майин шамол қачон аста елга айлангани ҳам билинмай қолади.

Жўра ФАЙЗ

Мухолиф ел қучайган сари шунга монанд бу-лут ҳам ёпирилиб уфқни қоплаб боради, денгиз тўқилини қучаяди.

— Елқани тушир! Хой!
— Абдумалик, юқорида чик, арқонни торт! — деб қичқирган дарғанинг овозини шамол кесиб қўй-ди.

Абдумалик чаққонлик билан арқон нарвонга тирмашади. Шамол қучаяди.

— Эшакчилар! Ўнг томон, тўхта! Чап томон, чақ-қонроқ!

Дарға гилдирак дастак ёнида турган одам ўр-қилиб, қолганлар ҳам тепалик ортида кўздан йў-қолган бадавий кетидан йўлга тушадилар.

Қуёш кўтарилиб қолган бўлса ҳам, ҳали юз оч-ганча йўқ, булут орасидан гоҳо кўриниб, яна йў-қолади.

Яқинда кўринган тепалик устига судралиб етиб боргунча, паст пешинга яқинлашади. Қўқда охириги булут парчаси ўтиб, қуёш юз очади. Паст-даги кўм—қўқ водийнинг ярмини ёритади. Дар-атларда қўшлар сайрайди. Катта, узун барглр орасидан хурмонинг сариқ ранг югурган майда думбўл мевалари кўринади.

Узоқдан сувнинг шилдираган овози эшитила-ди. Ўлар чашма сувидан қониб ичадилар. Думбўл хурмога тўйиб, ажриқча чўзилб бод оладилар...

Шомга яқин чашма томондан пишқирган овоз эшитилади. Чашма ёнида думбўқ оёқларини ке-риб фил боласи сув ичади, гоҳо хартумчасини кўтариб сув пурқайди.

Дарға ичида: «Буни бизга худонинг ўзи етказ-ди», деб шивирлайди. Ўрнидан туриб филбачча-нинг олдида пусиб келаркан, атрофга аланглаб олади. Яқин—йирокда бундан бошқа тирик жон кўринмайди.

Дарға орқага қараб бадавийга «Келсанг—чи, ту-тишга ёрдам берсанг—чи» дегандай имо қилади.

Ҳаммоқ нарироқда чарчаб қаттиқ ухлаб ётган Аб-думаликка қарайди. Тўқинлар ичида оғзи—Бур-нига сув тўлганда, «Энди тирик жонга озор бер-майман» деб, қилган аҳди эсига тушади.

Бирок иккилашши узоққа чўзилмайди. Кал-так—сикхга тортилган ёғли гўштнинг чўғ устида жи-зиллаши, дабдабали ҳиди димоғига кириб, ўрни-дан туради.

Уйғонган нафси зорланиб баҳона топишга ун-дайди. «Тузукроқ еб олмасанг, ўлиб кетасан» де-ган фикр мийсига келади.

Фил боласи олдида келган одамлардан хурк-май, қичкина думчасини лиқиллатилади. Унинг оёқ-ларини меш оғзини боғлайдиган чилвир билан боғлаб, йиқитиладилар. Шу ерда бадавийнинг узун пичоғи иш беради...

Фақат ўт ёқиб қийин бўлади. Қуриган ёғочни бир—бирига ишқаб ўт олдиришга ҳолдан тояди-лар.

Гулхан ёниб, ҳамманинг юрагига илқиклик югу-ради. Кимдир қабоб пишириш ёйишдан ҳам ма-зали эканлигини эътироф этади.

Қоринлар тўйиб, қайғу тарқағач, ўтган ишлар эсга олинади, қаерга келиб қолганликларини бил-моқчи бўладилар.

Дарганинг фикрича, улар Бадр шаҳри билан Макка орасида бўлиб, қирғоқ бўйлаб жанубга юр-лисча, уч—тўрт кунда Жилдага етиб бориш мум-кин. Кимдир ухлаб ётган Абдумаликни овқатга чакриш кераклигини айтиди, лекин дарға эъти-роз қилади: «Қўявер, думбўлдан кўп еб суроби тўри бўлиб қолган, дамини олсин. Ҳозир унга гўшт тўғри келмайди».

Бадавий насихатларини ёмон кўради, зиёратчи-нинг гапига қарши гап ўйлайди.

— Шундай дейсиз-у, дарға, лекин шу ўтириш-га бир нараса етмайпти...йўқ икки...

— Чоғир етишмапти, чоғир...

— Яшанг, биттасини топдингиз, хўш, иккинчи-си...

Зиёратчи Ҳаммоқнинг нима демокчи эканли-гини аллақачон билади, «куватдан қолган»лар тофисига ўзи ҳам киритилганлигини фаҳмлайди, шунинг учун жаҳли чика бошлайди.

У қалин шохни жаҳл билан синдириб оловга ташлайди—да, бадавийнинг юзига тик қараб, чер-тиб—чертиб гапирди:

— Хотини хотин дейиш учун ҳам аввал эркак бўлиш керак.

Бу гапни эшитиб Ҳаммоқ сергак тортади, ён-бошлаб ётган жойидан туриб ўтиради.

— Ие, мен эркак эмасманми? Хўш, менинг эр-как эмаслигимни сен қаердан биласан? — бада-вийнинг овозида таҳдид сезилади, —Синаб кўр-ганмисан?!

Зиёратчи тоқати тугаб, иш энди уришга ке-лаётганини сезади, ичида «Уришсан, уни уриб



ТАБИАТ ВА ИНСОН



нам бир қилинган номаъқулчилик деб кишини...

—Ие, Ҳаммоқ, ўзингмисан? Орамизда йўқ эди-нг-ку, — дарға бошини тиззасига қўйиб букчайиб ўтирган бадавийга таажжуб билан қарайди. — Орқамиздан сузиб келибсан—да, — кўзи Ҳаммоқ-нинг белбоғидаги тигга тушиди.

— Шунча ишдан кейин ҳам тигингни йўқотмаб-сан... Сени тоифанг ҳам сипоҳ-да...

Дарға ортиқ гапга қуввати етмагандай кумга оғир чўкади.

— Эҳ, тигларингнинг падарига лаънат, — дейди ўрта яшар, мош-ғуруч соқолли зиёратчи, тинкаси қуриган, хаста овоз билан, ўз-ўзига гапирётган-

қўлими ҳаром қилмайман, фақат тепаман», деб ўйлаб қўяди:

— Сенинг кучинг ёш бола билан филбаччага етади—да, қўлингдан бошқа нима ҳам келарди, сен ҳам эркакмисан?!

Бадавий ранги оқариб, ўрнидан туради, «Хо-зир мен сенга эркаклигимни кўрсатиб қўяман» деб, зиёратчи томон бостириб келади. У «Қўйса-ларинг—чи, эсларинг жойидими?» — деб ўртага тушган даргани қўли билан суриб қўймоқчи бўла-ди, лекин қорнидан патроққа келиб тушган кучли тепкидан «иҳ» деб ёғилиб қолади. Яна нафас ро-стлагунча улгурмай башарасига тушган иккинчи тепкидан қалқанча йиқилади. Дарға «Ҳай, хай» дегунча зиёратчи Ҳаммоқни тепиб чўзилтириб қўй-ди. Хансираб бориб, бир чеккага ўтиради. Жаҳ-лини босолмай, дарғага қараб: «Агар сизда озги-на маъни бўлганда, шу эшакни вақтида жиловлаб қўярдингиз, бунчалик кўтурмасди», — дейди-да ўрнидан туради, бир нима демокчи бўлган дарға-га «Э, селларга садқаи гап» дегандай қўл сил-тайди, бурилиб чашма томонга кета бошлайди.

Инграб ётган Ҳаммоқ бир мунча вақтдан кейин эшакчаларнинг ёрдами билан бошини кўтаради, ёрилган тумшугини ювади. Оҳ—воҳ қилиб, узоқ сўқинади. Шу қиска вақт ичида унинг обрўси ҳам, бўйи ҳам пасайиб қолгандай бўлади.

Гулхан олови шом билан сирлашгандай, қо-ронғулик қуюқлашган сари қамайиб боради, охи-ри ўчади. Зиёратчи қайтиб келмайди...

Субҳ олдиндан кун ботиш томондан эсган майин ел, ўлган гулдан атрофида ухлаб ётганларнинг юзини сийлаб ўтиб, хурмозор тарафга инади. Ўр-мон ичида куйинди гўшт хидини сезган филнинг пишқирган овози кўп ухлаб, уйқуга қониб, сёзгир ётган Абдумаликни уйғотиб юборади.

У бошини кўтариб ўтиради. Қўзларини катта очиб, қаердалигини дарров идрок қилолмай ат-рофга боқади.

Ўзига келиб хўрсинади, қучур нафас олиб ке-ришади. Ойнинг ингички ўроғига, чарқлаган юл-дузларга тикилиб ётади. Шу пайт буталарнинг ши-тирлаган овози эшитилиб, қоронғуликнинг ўзи-дан ажралиб чиққандай катта қора шарпа чиқади. Лапанглаб юриб, ётганлар ёнига келади. У тоғ-дай фил экан, хартуми билан одамларни искайди. Кейин қайрилиб, фил боласи сўйилган жойга бо-ради. Ундан қолган қолдиқларни хидлайди, қи-мирламай бирпас қотиб қолди. Қайтиб яна ёт-ганлар ёнига келади. Аввал четдаги эшакчални бошдан—оёқ хидлайди, хартумини силтаб юқо-рига кўтарайди-да, унинг кўрагига олд оёғини қўй-ди. Ковурга суюқларининг қисирлаб сингани эши-тилади. Бунки кўрган Абдумалик кўрққанидан бў-шашиб қимирламай қолади.

Фил қимдан боласининг ҳиди келса, топтаб эзаверади. Дарганинг ёнида ётган бадавий шар-падан уйғониб кетади. Эзилган гавада устида ба-ҳайбат филни кўриб эси чиқиб кетади. Орқаси билан ўрмалаб, кейин ўрнидан туриб қочмоқчи бўлади, лекин фил бир ҳама билан унга етиб олади, хартуми билан белига уриб йиқитади. Ба-давий туриб яна қочмоқчи бўлганда, оёғидан илиб отади. Бадавий бор бўйи билан ҳавода бир—икки айланиб ерга тапиллаб йиқилади. Фил энди қи-мирламай қолган гавдани босади...

Абдумалик тонгинг гира—шира ёруғида ўзи тарафга келаятган, қўзлари қонга тўлган қора тоғдай филни кўриб ажал етганини фаҳмлайди. Фил қафтини ерга тираб қимирламай ўтириб қол-ган йиғит устига илдам етиб келиб, хартуми би-лан туртиб йиқитади. Бошдан—оёқ хидлайди. Кейин бошини кўтариб, қўққа қараб қарнай чал-гандай қаттиқ пишқиради. Орқага тисланиб, олд оёғи билан ерни ўя бошлайди. Ногоҳ ўлиқдан ху-рқандай четга сачпайди, чашма томон чопиб ке-тади.

Абдумалик филнинг узоқлашганини сезиб бо-шини кўтаради. Ўрнидан туриб денгиз томонга чопади. «Агар фил яна ҳужум қилса, денгизга қо-чаман», деб ўйлайди. Қирғоққа яқин қолганда қайрилиб қарайди. Орқада фил кўринмайди.

У денгиз бўйида қайёққа юришни билмай ҳайрон туриб қолади. Йўлдошларини шу аҳволда ташлаб кетаятганини ўйлайди, лекин қайтиб боришга юраги дов бермайди.

Шамолга орқа ўгириб, қирғоқ бўйлаб жануб томонга юради. Қорни очилганидан юришга ҳоли келмайди. Тушга бормай иссиқдан лаблари қу-рийди. Хурмозордаги чашма сувининг сарчаган-даги жилоси кўз олдида келади. Олдида кўм саҳ-роси чексиздай туюлади. Тирик жон кўринмайди.

Тик келган қуёш исси

Миллий тикланиш



Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1997 йил, 1 июл

26(107)-сон

ДАВЛАТ, ЖАМИЯТ ВА ҲУҚАРОЛАР МУНОСАБАТИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳалқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилгандир. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувида ҳалқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ҳамда қабул қилинган қонун ва қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини аҳоли кенг қатламларига янада чуқурроқ, аниқ, раво, лўнда, содда қилиб етказиб бериш билан боғлиқ масалалар ҳусусида фикр алмашилди. Юртбошимиз бозор иқтисодиёти талаблари, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимларимизни юксалтириш демократик ислохотларнинг муҳим шарти эканлигини таъкидлади: «Эркин ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишнинг эзгу мақсад қилиб олган эканмиз, бу олий мақсадга эришишда ҳалқнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, жамиятни сиёсий фаоллиги, демократик таъминоти, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишнинг муҳим аҳамият касб этади».

Бизнинг қонунларимиз одамлар онгида ана шу тушунарларни шакллантиришга қаратилган. Шу маънода ҳалқимиз ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш, унинг ислохотлар ижросини сифатидаги фаоллигини ошириш, эзгу мақсадларимизни қалбдан тушунишга ва қўллаб-қувватлашга эришиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир».

Юртбошимиз ушбу вазифани амалга оширишда урта суъёет, яъни давлат, жамият ва фуқаролар муносабати уйғунлигини таъминлаш муҳимлигини таъкидлади. Шу нукта назардан қараганда, шу йил 25 июнда қабул қилинган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармон муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ушбу Фармонда Ўзбекистон ҳалқининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимдонлигини юксалтиришга қаратилган вазифалар чуқур таҳлил қилиниб, бу йўналишда олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг олий мақсади этиб белгиланади.

Ушбу Фармоннинг ҳар бир бандида аниқ вазифа, йўналишлар кўрсатилган. Жумладан: биринчи бандида «республикада ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳоли чуқур англаб етишига ҳар томонлама қўмаклашиш — давлат бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзарб вазифалари эканлиги кўрсатилсин», — дейилган бўлса, иккинчи бандида уни жойларда тарғибот қилиш ва ўрганиш, ўргатиш йўналишларини ишлаб чиқиш таъкидланмоқда. Фармонда жойларда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳуқуқий маърифат, тарғибот маркази тузилиб, унинг асосий вазифа ва йўналишлари қилиб, мамлакатда ҳуқуқий таълимни ташкил қилишга ёрдамлашиш, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, турли ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини татбиқ этиш, янги қонун ҳужжатларини аҳолининг кенг қатламлари аҳолининг таълимни ташкил қилишга ёрдамлаштириш кўрсатилган.

Тошкент Давлат юридик институти ҳузарида ҳуқуқий маърифат маркази ва жойларда унинг минтақавий бўлими ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш маркази тузиш кўзда тутилган. Бу эса қисқа вақтда олдимизга қўйилган кенг мақсадларга эришишимизга имкон яратади. Айни пайтда жамиятни демократлаштириш жараёнида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширади. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасидаги: «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериш лозим» дейилган вазифани янада мустаҳкамлайди.

Лекин қонун билан қафолатланган ҳуқуқлардан тўлиқ ва тўғри фойдаланиш учун дастлаб аҳолининг ҳамма қатламларида ҳуқуқий онгни ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига юртбошимиз алоҳида эътибор беришимизни таъкидламоқда. Ўз ўрнида ҳамма имкониятни яратмоқда. Бу яққол мисолни ушбу Фармоннинг олтинчи бандида «Аҳолига сотиладиган ҳуқуқий, илмий-оммабоп адабиётлар ва кўргазмалар қўлланмалар қийматининг 50 фоизи давлат бюджетни ҳисобидан қопланиши белгилансин» дейилиши ҳозирги бозор муносабатларига ўтилаётган бир вақтда ушбу йўналишга Президентимиз алоҳида эътибор бераётганлигидан далolatдир.

Қисқа қилиб айтганда бўлса, юртбошимиз томонидан қабул қилинган Фармонда биз ҳуқуқшунос олимларга катта эътибор, ишонч билдирилмоқда. Қисқа муддатда мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданияти, онгини юксалтиришда ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз вазифаси белгиланмоқда. Биз бу қутлуғ ишларни адо этмоқликни давлат, жамият олдидаги бурчимиз деб биламиз.

Сотиболди БОБОКУЛОВ,
Тошкент Давлат юридик институти
доценти

«МТ»: воқеалар, хабарлар

ҚЎШНИНГ ТИНЧ...

Бир кун жанжал чиққан ғўйдан қирқ кунлик барака кўтариларкан.

Қўшни Тожикистон жумҳурияти, яқин ўн йилдирки, ўзаро низолар, ихтилофлар, «сур-сур»лар гирдобиди. Бу «мураккаб талотўпларни таҳлил этишга уриниш, ҳеч бўлмаса «фалончи» ёки «пистон гуруҳлар айбдордир» сингари фикрларни айтишдан йироқмиз. Биз ҳакам эъминсиз. Бирок яқиндагина Ўзжанд вилоятида бўлиб, элдошларимизнинг ночор аҳолини кўргач, уларнинг бугдой

ўримига, демек нонга умид кўзи билан қараб турганларини кўргач, сиёсат ақл-идрок, ирода билан олиб боришмаса, унинг жабрини ҳалқ кўришини яна бир бор дилдан ҳис этдик.

Мана шундай огриклик қўнларнинг бирини, аниқроғи ўтган ҳафта яна бир, навбатдаги муҳтаб тарқалди: Москвада Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан муҳолифатдаги гуруҳлар раҳбари Саид Абдулло Нурий ўртасида ўзаро зиддиятларни бартараф этиш тўғрисида навбатдаги шартнома имзоланди. Жуда катта-катта халқаро ташкилотлар, катта-катта давлатлар иштирокчида имзоланган ушбу битим... ни-

ҳоят, ҳақиқатан ҳам, амалиётга жорий этилишини тилаб қоламиз. Зеро, Тожикистонда фуқаролар урушининг тугаши бутун Марказий Осиё, қолаверса жаҳон халқлари учун фақат ва фақат манфаат келтирадику!

Хуллас, ярашув ҳақида навбатдаги битим имзоланди. Инсон эса умид билан тирик. Биз яна умидворимиз. Умидимиз, ушбу жафокаш жумҳуриятда бундан кейин биронтаям ўқ узилмаса; умидимиз, халқ эркин нафас оласа; умидимиз, болалар етим қолишмаса, кўз ёш тўкишмаса. Йилло, улуг Достоевский айтганидай, дунёнинг жами ғам-кайғулари гўдак боланинг томчи кўз ёшига арзимайди. Мана шу кўз ёш тўкилмаслиги учун сиёсатдонлар ҳар қанча сая-ҳаракат қилсалар арзийди...

Г. МУРОДАЛИЕВА

ТАҲРИРИЯТ

Сабо, еткур саломимини!

МАЪРИФАТИМ — ЖОНКУЯРИМ...

Ассалому алайкум, хурматли «МТ» таҳририяти! «МТ»нинг ҳар бир сонини қанда қилмай ўқиб бораман. Унинг саҳифаларидаги мақолалар, одамнинг қарашлари, руҳияти, туйғуларига нима десам экан... ижобий таъсир кўрсатади. Киши ўзини янги фикрлар дунёсига кириб бораётгандек сезади. Баъзи одамлар газеталардан олди-қочдилар, этни жунжиктирадиган разолатлар, жиноятлар, қотилликларни қидиришади. Менга газетанинг вазмин, ўйчан, жиддий фикрчан руҳи ёқади.

Яқинда газета муҳбири Г. Муродалиевнинг «Биз умид қиламиз» деган мақоласини ўқидим. Ростки, мақола менга жуда ёқди. Малоҳатли санъаткор кўшмачимиз Насибхон Абдуллаевани бу мақола орқали бизга янада ақирок, янада суюқироқ қилиб қўйди. Мен, бошқаларни билмадим, лекин фақат Насибхон кўшиқ айтса дейман. Унинг овозига, кўшиққа мос ҳаракатларига, жилмайиб туришига сира тўймайман. Биз унинг ТВ орқали янграган кўшиқларини бутун оиламиз ҳам бўлиб эшитамиз. Кўнглимиз яйрайди. Ишқилиб, хамиша яйраб-яшнаб, янги кўшиқлар айтивасинлар Насибхонимиз!

«МТ» халқимиз орасидан чиқаётган шундай азиз одамлар ҳақида ҳаётин, инсоний гапларни домин эзиб турсин.

Насибхон Абдуллаева ҳақидаги мақолани ҳузур қилиб ўқир эканман, негадир Бурхон Эсонов номидаги мактаб директори, аjoyиб методист, олий тоифали ўқитувчи Маърифатхон Ансорова кўз олдимга келди. Меҳр дарё каби оқиб айтилган кўшиқ бир меҳри дарё инсонни ёдимга солди. Маърифатхон менинг наздимда яхшилик тимсоли, унинг шафқати одамлар ва болалар кўнглига хамиша оқил бир йўл топади. Маърифатхон Ансорова тарихини ҳам, миллий удумларимизни ҳам яхши биларди. Миллий қадриятларимизнинг тикланишида фаол хизмат қилмоқдалар. Назаримда жамият шундай яхши одамлар, улар етиштираётган муҳаббатли шогирдлар билан фаровон бўлади, олийжаноб маънода миллийлашади.

«МТ» ўз саҳифаларида атрофимизда асаларидай тинимсиз ишлаётган мана шундай яхшилар тўғрисида ҳикоя қилиб борса, нур устига аъло нур бўларди.

Сизга салом билан муваффақият, омадлар тилаб.

Ноҳира АБДУРАХМОН қизи

Қизилтепа

«Кўнглимиз тўқ ва умидимиз ортиқ»

Чўлпон ва жадидчилик

рий, Саидносор Миржалилов каби кўлаб фидойи инсонлар миллий театр, матбуот, Оврупо услубидаги наср, публицистикага асос солдилар. Бу зоти бобаракотларни бир сўз билан «жадидлар» деб атайдилар. Ватанини жонидан ортиқ севиш, элимлардан озод қилиш, юртни таназзулдан қутқариб, ҳар томонлама тараққий этган мамлакатга айлантириш уларнинг шиори, илм-маърифат эса кураш байроғи эди.

Абдулҳамид Сулаймон — Чўлпон шундай истакли кўлар мафқурасини қалбига жо айлаганда, эндигина 17 ёшга тулган эди. Унинг отаси — Андижоннинг машҳур баззозии Убайдулла Сулаймонқул «Расо» тахаллуси билан шеърлар ёзарди. Ўзига тўқ киши бўлгани учун фарзанди аржумандига замонасининг энг илгор таълим-тарбиясини беришга интилиб, Махсус ўқитувчи ёл-лаб, турк, рус, форс, араб тилларини, мусика илминини ўргатди. Шаръий билимларини унинг қалбига жойлади. У ёлғиз ўғлини имом-хатиб сифатида қўришни орзу қилди. Аммо ғаларини саргузашт, романтик, илмий-бадий адабиётини, фалсафасини, психологиясини куп мутолаа қилган ёш Абдулҳамиднинг кўнглини юксак дунёвий, ижтимоий ғоялар забот эттанди. Унинг табиятида тузумларни қиёслаш, афзаллиги ахтариш, мустанлақа кишанларидан қутулиш йўлларини

излаш кўчаиди. Ўрис, армани, яҳудий тадбиркорлари савдо-сотикда эришган ютуқлар билан маҳаллий бойларнинг сиёсий, деҳқонларнинг қашшоқланиши кўз олдида ҳар кун содир бўлувчи воқеага айлан-ди.

Ватан, халқ дардини ўз дарди деб билган ўспирин имомликка ўқишни хохламай, Тошкентга йўл олади. «Садойи Туркистон» жаридасига ишга келади. «Туркистон жадидчиларининг лидери» деб ном чиқарган Мунавварқори Абдурашидхон, Лев Толстойни лол қолдириб, чор махфиёлари орасида «ашаддий ислончи» деб аталган Убайдулла Хўжаев, замон ва тузумга тик буюкчи Мирмуҳсин — Фикрий, ўзбекинг оташин шиори Тавалло, фақат маърифат ва санъат билан нафас олувчи буюк мураббий Абдулла Авлоний, оташин публицист Абдурашф Музаффарзода тимсолида ўз муаммоларига жавоб топади, маънавий жиҳатдан улғайди, ижоди бойиб, қалами чархланади, дунёқараш кенгайди. Сўнгра, ўз таъбири билан айтганда, ўзини «элли оқартири» ишига бахш этади.

Зеро, халқни оқартмай, яъни маърифатлантirmay тўриб, ҳеч қандай катта ишининг ҳосиласини татиб бўлмасди. Юртни қарғалар босган ва уларнинг қаноти рангидек қоп-

қора зулматга шўнғиган элнинг кўзига ўз нуқсонларини кўриши учун, кўзойнак ва кўзгу лозим эди. Ўша йилларда маорифчилар, маърифатпарварлар, сиёсий арбоблар, санъаткорлар эл учун ҳам кўзойнак, ҳам кўзгу бўлдилар. Халқни гафлат уйқусидан уйғотмай, ихтиёрсизлик касалидан даволамай, сиёсий чархламай туриб, жадидлар ўз мақсадларини амалга ошира олмасдилар. Бунинг учун, Чўлпон тили билан айтганда, «кичик давлат» (замонавий талқинда «тўртинчи ҳокимият»), яъни матбуотдан изчил фойдаланиш лозим эди. Устозларидан матбуот орқали халқ билан гаплашиш ва динлидагини тўқити сир-синоатини ўрганган ёш адиб «Садойи Туркистон»да бир неча ой таъриба ўтагач, Андижонга қайтиб, «Икки Садойи»нинг махсус муҳбири сифатида иш бошлади. Шу аснода юрт ке-зади ва элга Абдулҳамид Сулаймон — Чўлпон номи билан танилади. Халқнинг дардини «кичик давлат» саҳифасига олиб чиқади. У 1914 йили ёзган «Йўл хотиралари»да: «Ташаккур этдим, 3-ини апрелда Хўқанддан ҳам «Садойи Фаргона» исминда бир мусулмонча жариди чиққонлигини хабарверди, бу хабар мани ҳаддан зиёд шодлантirdи. Чунки тамоман тош каби қотиб ўқлаган Туркистоннинг икки шахридан икки жаридани бир-

дан чиққони ва иккисининг ҳам номининг «Садойи» бўлмоғи шодланмайдирган ҳоллардан эмас эди», — дейди.

Чўлпон Тошкентдан Андижонга поездда 17 соатда етиб боради. Йўлда «Садойи Туркистон»ни ўқиб кетаётган шарқшунос М. Ф. Гаврилов билан ўзбекча гаплашиб, фикр алмашади. Наманганлик бир одам билан суҳбатлашиб, уни ўша ердаги усули жадид мактабларининг аҳоли билан таништиради. Кейин Фарғонада туғилиб-ўсган, Париж, Лондонда таҳсил олган, инглизча, французча, туркча ҳамда бироз немисча гаплашадиган рус йигит билан ўзбекча баҳс юритади. Йигит овуруполик қиз-хонимларнинг кийинишлари, русумлари (модалари) ҳақида фикр юритаётиб, ўзбек қизларининг ҳижобда юришларини танқид қилади. Чўлпон бу фикрни инкор этади, ўзбек қизларининг ҳавсини химоялайди. Андижондан Ўшга, ундан яна Андижонга қайтаётиб, андижонликларнинг кўзининг ёғини ёган бойлардан бири-нинг ерига назар ташлайди. Таққослаш усулини қўллаб, халққа шундай мурожаат қилади: «...йўлда бизим диққатимизни жалб этган нарсалардан бири, Водяевлардан ўлса керак, бир яҳудийнинг бир неча юз десятина ерига тартиб ила янги усулда пишиқ, бир хилда дарахтлар ўтқазилганлиги ҳамда пишиқ гишдан янги иморатлар қилгонлиги эди. Анинг ёнида бўлган бошқа мусулмон мулкдорлари ўз ерларига экин экмोकқа ҳам сув топполмасдан бўш қолдиргонлари холда ул яҳудийга маъқум топпиш яхши боғча ва бинолар қилмакка илож ҳам топилишидир».


Давоми учинчи бетда

Ортиқали ҚОЗОҚОВнинг сўзларига шайқ

Миноралар —
Товусларнинг атлас қаноти.
Миноралар
Тарих момонинг
Уруқлари айтган баёти.
Маликалар чикар
зару зеварга ботиб.
Ҳилолда аргимчоқ учар келинчақ
Армон сўзларини ичига ютиб.
Ҳаёт тегиримон айлана шитоб.
Тақдирлар бугдойдир унинг дўлида.

Хўв, ана қўйнидан мўралаб офтоб,
Аёл тўйга кетар қишлоқ йўлида.
Гўмбазда қўқарган зангोर ажриқлар
Минг йиллик ҳасратдан тўкилган зардоб.
Осмоннинг лабига тошган учуқлар —
Сароймулкхонимни ўртаган азоб.
Кўзларнинг қаърида айқирар дарё,
Кўздан учиб чиқар савол қушлари...
Рангларга эврилиб ётган бу дунё
Кўҳна Самарқанднинг ширин тушлари...

Ойдин ҲОЖИЕВА



РАССОМ ТОРТИҒИ

Фаннинг асосий қўймати ҳисобланган кашфиётларни олдиндан айтиб бўлмаслик, ҳали тўла анёқ бўлмаган мақсадларга эришиш учун тайёр йўлларнинг йўқлиги фанни одатдаги моделлар бўйича ташкил этишга имкон бермайди ва уни ҳудди сановатни бошқариш каби бошқаришнинг ҳам иложи йўқ.

Инсон фаолиятининг бошқа турларидан фарқи ўлароқ, фанни ташкил этиш ва уни йўлга қўйиш «қувватларнинг этикаси билан белгиланади. Чунки бунда асосий нарсани нимадан иборатлигини аниқ айтиш қийин бўлиб, у олимларнинг виждонига боғлиқдир.

Фаннинг мақсади — табиат ва

дастлабки субъективизм, тасодифий ва муҳим бўлмаган элементлар аста-секин акралаб қолади: бу маълумотлар тўдирилади ва аниқланади ва ниҳоят, сўнгги, баътамом ақс эттирилган ҳолатда илмий билимлар системасига кирилади.

Бошқача қилиб айтганда, илмий далиллар ёки идеаллар олинган ёки эълон қилиниши билан қиёсланмайди. Улар тақдоран яна давом эттирилади.

Булардан қатор аниқ ташкилий хулосалар келиб чиқади. Биринчидан, изланиш тадқиқотларида бир-бирини тақдорлаш нафақат зарарсиз, балки жуда зарурий ҳолдир.

Иккинчидан, «комиссия усу-

Қарор қабул қилинишининг ўзи бир ечимга эга эмас. Талантли тадқиқотчининг етарлича кучли бўлмаган диссертациясига овоз бериш керакми? Яхши административнинг илмий соҳада кўтарилиши қўллаб-қувватлаш лозими? Олимнинг илмий дастури янги баҳолаш, қўллаш ёки танқид қилишда унинг фаолиятининг этик томонларини ҳисобга олиш керакми?

Шундай қилиб, илмий-ташқилий соҳада олимнинг этикавий фикри кучсизланади, вақти-вақти билан уни аморфлик даражасига ўзгарувчан, конюнктур, маъмурият қаршилигига сезгир бўлиб қолади. Шунинг учун олим бу соҳада этикавий муаммоларга дуч келиши. Бу муаммоларни ечиш учун қўп ҳаракат қилиб, ўзи бевосита ҳеч нарсани олмайдиган ёки ўзи ҳеч нима қилмайдиган, лекин қар-

кин. Агар олим ҳақли суратда ўз ўрнида бўлса, у ҳолда улар турғунлик, мустақиллик, ички эркинлик ва вақтинчалик ҳисси уйғонади. Натижада виждон овозини оёқсизлаштиришга шайош арилади. Бундай киши ўз обрўсини қадрлайди ва ўзини фаннинг жонли таркибий қисми, уни эл-тўғуси ва арбоби деб ҳис қилади.

Киши фанда ўз ўрнида бўлмаган ҳол бутунлай бошқа масала.

Бунда кишининг ўзида ҳам, шахсий фикрида ҳам ички ишонч бўлмайди, нафақат ички, балки ташқи мустақиллик ҳам бўлмайди, чунки у ўз ҳолига қўра қимгадир боғлиқ.

Ўз ўрнида бўлмаган киши ўзига қарши бўлмаган, у илмий этикага душман бўлади. Чунки этика фаннинг табиий тўзилмасини белгилайди, ундаги мансаб, обрўга қараб босқичли бўйсиниш (иерархия) таъминлайди. Ўз ўрнида бўлмаслик, қиксаси, жуда дахшатли бир ҳол; у атрофда ўлик соҳа яратувчи, ҳароб қилувчи кучдир. Ўз ўрнида бўлмаган кишилар туфайли этиканинг оддий меъёрлари ҳам сақланмай қолади.

Олим киши ҳаётида шундай вазиятлар бўладики, унда этикани сақлаш учун у шахсий иши манфаатларидан ҳам кечинга мажбур бўлади. Бундай ҳаракатнинг самараси жуда паст бўлади.

Олинган муҳим натижадан, бошқа қулироқ лабораторияларда ундан фойдаланган ҳолда, тезроқ янги ишларни бериб қўйишнинг билган ҳолда, маъруза қилиб ёки нашр этиб, эълон қилишга шайош шартиман? Бирор масала ҳал бўлиб, уни ўзгартиришнинг иложи йўқлигини билган ҳолда, уни ёқлаб ёки унга қарши бирор фикр айтиш керакми? Лавозимдан этикага қилиб равишда четлатилган бирор киши жуда маъқул иш жойига тақлиф этилганда, тақлифга рад жавоби бериб қўйиш лозими? Ва ниҳоят, маъмуриятнинг этик бўлмаган қарорига қарши эътирозни олим ишдан кетиши йўли билан фидолаштириш йўли қўйиб бўладими? Олимлар учун доимий бўлмасида, ўчраб турадиган базис-бир муаммолар ана шулардан иборат. Улар илмий этикани шахсий тўғусини асосида ва жамоат фикри талабига қўра ҳал этишади.

Масалани ҳал этишнинг энг кўп тарқалган тамойилларидан бири прагматик тамойиллардир. У ҳаракатнинг ҳақиқий натижасини унинг «қиймати» билан, яъни олим қилган ҳаракат туфайли олинган зарар билан таққослаш зарурлигига асосланади.

Натижада ўзига хос саволлар турлади — бундай вазиятда мен қандай ёрдам қилишим мумкин? Ўз жиддий ҳаракатим билан ишга қарар етказмайманми? Умуман, таваккал қилишга ҳаққим борми? Лекин, прагматик ёндашганда, биринчидан, маънавий келишуви йўлга ўтган олим учун бўлган катта маънавий зарар назарга олинмайди, иккинчидан, илмий уюшманинг этик асосларига пур-тур етказилади.

Олим ички эркинлик бўлгандагина сермахсул ишлайди деб, таъкидлаган эдим. Бундай ҳолатга бирдан эришilmayди, кўп сонли синон ва хатолар, ҳақиқий ва ташқи муваффақиятлар натижасида эришилди. Ички эркинлик ҳолатига қанчалик қийинчилик билан эришилса, у шунчалик қийинчилик билан эришилди.

Бирок ички дунё бир бутундир. Илмий уюшма тамойиллари қанчалик қўллаб-қувватланади, унинг кўп марказлилиги, маъмуриятта боғлиқ бўлмаган илмий кенгашлар ва экспертларнинг ҳуқуқий ўрни, шунингдек, барча тадқиқотчиларнинг илмий мажлисларида кўрилатган масалалар бўйича ўз фикрларини очиб айтиш ҳуқуқи асосида таъминланади. Лекин фанни ташкил этиш тамойилларидан бири бўлган тақдирда асплар мобайнида яратилган механизм ишдан чиқади, жумладан, биринчи навбатда тизимнинг этикавий компоненти зарар кўради. Шундай вазиятлардан бири кўп марказлиликнинг чегараланишидир.

Фаннинг бундай ташкил этилишида маблагларга, илмий ҳодимларга жуда кучли боғлиқлик вужудга келади. Бундай ҳолларда олим илмий ёки ташқилий соҳада тахриратининг иш туттиш йўлига тўғри келмаган ўзининг мустақил йўлини ҳимоя қилса ёки амалга оширса, унинг мавқеи суғайиши ёки у ҳатто ишдан четла-тилади.

Табиийки, олим ўз ишини доимо тахликага қўй олмайди, ўз мавқеини узулқус бўлаштира олмайди. Унинг этикасида касбий этикадан мумкин бўлган четга чиқаришнинг мумкин бўлмаганлигидан ажратувчи чегара пайдо бўлади. Бу чегара анчагина субъектив бўлиб, у вақт ўтиши билан вазият таъсирига оёқсизлаш бери-луви ҳолига келади.

Жамоат фикри ҳам қўшмаб боради. У олимдан доимо таваккал қилишни талаб эта олмайди. У мансаб йўлида этиканинг бузилишига кечирмайди, бироқ вазиятлар сабабли қилинган келишувчанлиқни ҳам айбалайди.

Принципиалка боғлиқ бўлган бошқа ҳодиса ҳам ўзига хос ҳодисадир. Мустақиллигини йўқотилиши унинг асосида ётади. Бу ҳолини «киши ўз ўрнида эмас» формуласи билан белгилаш мум-

Бутун ва Истикбол

Иқтисодий қарашлар

Ўзбек маърифатпарвар шоири Ўбайдулло Солиҳ ўғли Завқий 70 йилга яқин умр кўрди, уч давлат тўзуми: Қўқон хонлиги, мустақла ҳокимияти, шўрлар ҳукмронлиги шароитида ижод қилди. У ўз ижодида — Мукимий ва Фурқат бошлаб берган маърифатпарварлиқни давом эттириб, уни янги мавзулар, изланишлар билан бойитди. Бунга сабаб, биринчидан, Завқий Мукимий ва Фурқатга нисбатан кўпроқ яшади, иккинчидан улар кўрмаган шаҳарларни кўрди, қатор сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг гувоҳи бўлди.

Завқий ижоди сермазун ва кўп қиррали. У ақсарият шоирлар каби асосан муҳаббат мавзусидаги ғазаллар ёзиш билан чекланиб қолмади, бошқа мавзуларда ҳам қалам тебраттишга ҳаракат қилди. Иқтисодий бўлмасида, иқтисодий масалаларга ўнлаб шеърлар бағишлади, уларда ўзининг мустақил ғояларини, фикр-мулоҳазаларини ифодалашга интилди.

Завқий Қўқоннинг Шайхон (ҳозирги Завқийбод) маҳалласида кўсиб оиласида дунёга келди. Бошлангич мактабда ўқиб, хат-саводини чикаргач, 1871 йили бадийи адабиёт муким-лисларидан бўлган тоғаси Мухаммад Сиддиқнинг ёрдами билан мадрасага ўқишга кирди. Мукимий атрофига уюшган Қўқон шоирлари билан амалий ҳамкорлик шоир ғайратига ғайрат қўшади ва халқ орасида унинг шўхратини зиёда қилади. Мукимий билан ҳамкорликда Фарғона шаҳарларига, тоғаси билан Кавказ, Туркия, Миср ва бошқа араб мамлакатларига қилган сафарлари шоирда чўқур таассурот қолдирди ҳамда унинг кейинги ёзган шеърларида ўз ақсини топди.

Унинг ижоди Қўқон хонлигининг тугатилиши ва унинг ҳудуд Тўрқистон генерал губернаторлиги таркибига зўрлик билан қиритилган йилларга тўғри келади. Ана шу даврда шоир ижодида иқтисодий фикрлашлар бошланади. Бундай қарашлар аввалгига оила ҳўжалиги, кейинчалик қишлоқ микросидаги иқтисодий масалаларни қамраб олади.

Ҳазил-мўтойибани севган шоир Мукимий Завқий ишонаси эшиги устига қўйидаги мисраларни ёзиб қўйган эди:

**Бу Ўбайдуллохоннинг қошонаси,
Уста Солиҳ ўғли дўкхонаси,
Эй биродари аҳли тамиз,
Эски махсию қаушу тикамиз.**

Зеро, отамерос қосибчилик Завқийга ҳаётининг кўп даврларида моддий таъминот манбаи бўлади. Адабиётшунос Ф. Каримов маълумотларига қараганда, Қўқон шаҳридаги поёлабзал растасининг пудратчиси Мўминжон (Мўминжон) ўз ишларида Завқийнинг обрўсидан фойдаланиш мақсадида уни ўзига иш юритувчи — мисра қилиб олади. Завқий хизмат юзасидан Тўрқистоннинг турли шаҳарларида бўлади. Лекин мисралик вазифасини узоқ давом эттирмай, тахминан 1890 йилларда ўз тирикчилигига қайтади. Махсидўзлик билан шўғулланиш асосида ижодини давом эттиради. Шу даврда ёзилган «қўлоқ солинг, ёронлар!» шеърда инсон ҳаёти учун илм-хунар, меҳнат муҳим аҳамиятга эга эканлигини қўйидагича баён қилади:

**Илму хунар ривожни бўлғай ақлнинг тожи,
Ақл юрту эл хирожни, собит топур ёмонлар.**

Қўқон хонлиги даврида водийда ҳўнармандчиликка нисбатан қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиётининг энг йirik тармоғи ҳисобланган. Бу соҳанинг ривожланишида ақлларнинг сув билан таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Завқий «Сув ханжал!» шеърда йирик ер эгалари мисрларни қўлга олиб, сувни биринчи навбатда ўз далаларига оқизганликлари оқибада қамбағал деҳқонларнинг экинлари қовжирлаб, ҳам ҳосил берганлигини шўндай тасвирлайди:

**Борганда пешовз қўй сўйиб,
Ҳожи мисробга тўн қўйиб,
Қўнлар ўтар шў хил тўйиб,
Қўнлилари хўшҳол экан.**

**Ҳоҳ рози, ҳоҳ бўлсин хўноб,
Юрт-элга сув бермайн мисроб,
Ҳожи ерин қилиш севиб,
Деҳқон учун қаттол экан.**

«Сигирим» шеърда Завқий сўрма еб ўлган сигирнинг узоқ вақт оилага хизмат қилганини мадҳ этади. Шу баҳонада иқтисодиётни кўтаришда сигирнинг, у орқали чорвачиликнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди:

**Бобом жамолига тўйган табарругим, сигирим,
Момом висилини кўрган бу бузругим, сигирим.**

Сенинг бордингда ёнимда танга ҳам бўлмас эди,
Ки энди қолмади ёнимда бир мирим, сигирим.

**Суту қаймоқини сотиб, уйга харж айлар эдим,
Ки ризқи-рўзимга бўлган сабабгарим, сигирим.**

Завқийнинг иқтисодий фикрлаш доираси шаҳар ва қишлоқ микроси билан чегараланмайди, хонлидаги йирик иқтисодий тенгсизлиқни, бировлар меҳнат қилиб, бошқалар унинг мева-сида баҳраманд бўлишини шеърый мисраларга қўйилади. Унинг фикрича, Ҳудўерхон мамлакат ободонлиги ва халқ фаровонлиги масалалари билан шўғулланмаган. Фақат ўз манфаати, ҳазинани тўлдириб иштиёки билан яшаган. Хоннинг бу иқтисодий сиёсати унинг тилидан битилган «Демий хон» сатирик шеърда қўйидагича ифода қилинган:

**Кўриб давлат гурурин, юрту элдан бебаҳар бўлдим,
Заволанин кўриб, дўстлар, ҳазондек ҳам билан**

**Гуноҳсиз нечалар мўю соқолин тердириб юрдим,
Муқофотин кўриб дўстлар, ажал келмай тирик ўлдим.**

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

сўлдим.

Қолиб ғамлар бирла бу ерда хурсандимдан айрилдим...

Ўша кезларда ҳўнармандлар ва деҳқонлар оғир иқтисодий аҳолини бир оз бўлса ҳам енгиллаштириш мақсадида қарз олишга, бунинг учун судҳўрларга мурожаат қилишга мажбур бўладилар. Судҳўрлар эса уларга катта фойз эвазига қарз берадилар, қарзни тўлаш мuddати ўтгандан кейин қистар, руҳий азобга дучор қилардилар. Ўзбек адабиётида қарз масаласи ҳақида Садриддин Айний ёзган «Судҳўрнинг ўлими» асари Балзакнинг «Гобсек» асари қаторидан жой олган. Лекин бу борада ёзилган биринчи шеър Завқий қаламига мансубдир.

«Қарз» шўндай бошланади:
Муҳтож кишига бўлди бу йил балои қарз,
Йўқ асосийси айш, ҳама мубталои қарз.
Фарзи ҳудо, қарзи халойиқ бори елкада,
Е раб, адоий фарз этайин ёки адоий қарз.
Қўсам тутадур, ҳар кўсам маҳалладин,
Йўқ қазои ҳожат этурдек адоий қарз:
Йўқ, зарра наҳот ҳеч, кун-тун зиёғ ўлар.
Қўш-қўш туғадур ҳафтада янги ойи қарз.

Бозор қасот, қасбу хўнарға ривож йўқ,
Нафс шайтонининг вавасаси, ойи қарз,
Етмаси мулкуи ашё зўд тўтиб мени:
Айлар юзу қора бир кун сазойи қарз,
Найлай бу зиндаликни, Завқий сафоси йўқ;
Ортар ҳамиша ғаму қулфат, жафойи қарз,

Бу Завқийнинг дастлабки шеърларидан бўлиб, Ҳудўерхон тахдан тушган йиллари ёзилган (1875—76). Шоир қарзнинг энг нозик томонига, яъни ҳафта сайин фойз ошиб боришига катта эътибор берган.

Туркистонда капиталистик муносабатларнинг ривожланиши

қарзнинг бошқа шаклларини ҳаётга жорий қила бошлади. Бу жиҳатдан Завқийнинг «Вексел» сатираси қизиқарлидир. У адабиётшунос Ф. Каримовнинг қўрсатганидек, муҳаммас шаклида ёзилган бўлиб, Завқий билан Мукимийнинг ижодий махсули. Тўғрироғи, Завқий ғазалига Мукимий боғлаган муҳаммасдир. Унда Фарғона водийсида эндигина расм бўлаётган хом ашё ва бошқа маҳсулотлари гаровга бериб, қарзга вексел олиш, шу йўл билан қамбағал деҳқон ва қосиб ҳўнармандларнинг иқтисодий қулиқ гирдобига тортиш усули ҳақида фикр юритилди.

Россия капиталистлари ўз бойликларини муттасил қўлайтириш мақсадида хилма хил усуллардан фойдаланганлар. Бундайлардан бири Виктор бойдир. У аввал маҳаллий бойларга Россия завод ва фабрикаларида ишланган маҳсулотларни арзон баҳода келтириб бериб, уларни катта-катта фойдага ўртади. Адабиётшунос Х. Раъзоқовнинг қўрсатишича, бойлар фойда умидида Викторга жуда кўп пул қарз бера бошлайдилар. У эса бу пуллари олиб қочиб кетади. Завқий таъбири билан айтганда, маҳаллий бойлар «тартарак» қалиб қоладилар. Ҳатто улар Виктордан умидвор бўлиб кура бошлаган заводлар ҳам, «чала ҳолда Виктор кетади. Шеърда айтилганидек:

**Чикиб қайси гўрдан қилиб бери деган,
Авради барчани тўқиб олон,
Мақру хийла бирла афсўнлар ўқиб,
Елгон дўкхони у курди тўқиб,
Мақру мерос — ақна, ўртади вексел.
Қафилу вақилдек айладилар бил.**

Вексел дастидан Ҳодихўжа каби кичик завод эгалари қўйиб қолса, унинг мусибатлари натижасида халқ хонавайрон бўлади. Одамлар вексел эвазига пул оломай, ҳатто тирикчиликларини ўтказиш учун ҳам маблаг тополмай қоладилар:

**Диққат ҳама сотолмай, ё бир нима олурга,
Қосиб етти ўзини гўшт ўрнига тилурга,
Солган қулоқларини эл, гап недур билурга,
Бозор аҳли хайрон савдо-сотик қилурга.
Халқики қамбағаллар тўқиб галтак ўлди.
Ўлганининг устига ҳам бир неча қалтак ўлди,
Пўст-дабба, нарх қиммат устига пўстак ўлди,
Пўстак (белига) боғлаб, Завқий баъни қилди.**

Биринчи жаҳон урушининг дахшати Тўрқистон ўлкасининг Фарғона вилоятидек чекка жойларини ҳам ларзага келтирди. Адабиётшунос Х. Раъзоқов қўрсатганидек: «Фарғона водийсидаги бойлар ишчи-деҳқонлар ҳамда қосибларнинг бу оғир аҳолидан фойдаланиш уларни тобора оғир шартли қарзлар билан боғлаб ола бошладилар». Бу мураккаб вазият Завқийнинг 1916 йил баҳорига ёзилган «Ҳақатчилик» шеърда чўқур тақил қилинади. Шеърда ўлим ҳақида қишлоқларнинг ўрда олгани, қанчадан-қанча одамлар вободан ишиб ўлгани, ҳатто уларни дафн қилишга олим топилмагани тасвирланади. Лекин Завқий водий ҳаётидаги оғир аҳолидан чўчимади, у Фарғонанинг келажаги порлоқ бўлишига умид билан қаради. Бу ғоя унинг 1916 йилда ёзилган «Ажаб эмас» шеърда қўйидагича ифодаланади:

**Ўтиб бир қарн, акроним, жаҳон обод кўргайсиз,
Жаҳон аҳлини зўлим ҳаддидан овоз кўргайсиз,
Грифтори алам эрмас, ҳамани шод кўргайсиз,
Бурунги ўтган кетган қўнгилда ёб кўргайсиз,
Қариган чўғида Завқий бир шабоб ўлса ажаб эрмас.**

Шундай қилиб, Навоий, Бобур, Жомий, Мукимий асарларидаги иқтисодий масалаларни тапқин қилишдан илҳомланган Завқий ҳаётни чўқур қузастишлар орқали Қўқон хонлиги ва Тўрқистоннинг мустақилакчилиги даври иқтисодиётини чўқур ёғриб, унинг ўзига хос хусусиятларини очиб бера олади. Унинг шеърларида солиқ, қарз, фойда ва шу каби иқтисодий тўшунчаларнинг фақат назарий масалаларигагина эмас, балки ўша даврга хос амалий жиҳатлари ҳам қаламга олинган. Завқийнинг иқтисодий мавзудаги шеърлари айрим тадқиқотчиларнинг 1917 йилга қадар Тўрқистонда иқтисодий фикрлашлар фақат рус муаллифларига хос эди, деган хулосаларга асоссизлигини исботлайди.

Завқий ўз ижодида қаламга олган иқтисодий муаммолар республикамиз иқтисодий таълимлари тарихига қўшилган муносиб ҳиссадир.

Ҳикмат СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор

ТАЯНЧ

АМАЛИЙ МАФКУРА — ВАТАН ТАЯНЧИ, ИСТИҚБОЛ ПОСБОНИ

Юртимизда буюк келажақ сари дадил одимлар билан бориб, барча соҳаларда янгилашни, тикланиш тадбирлари амалга оширилаётганини кўн ўқиниши у ёки бу кўринишда империя — мустақлақчилик эълони остида яшаш, «қарқий» этган, сўнгра озодаликка эришган мамлакатнинг бир жисми деб ҳисобланади. «Ўтти давир» деб изоҳланаётган шароитда янгилашни, ислохотлар йўлидан бораб эканмиз, озгина бўлса ҳам хатога йўл қўйилса, «Эмирдан қутулиб жалага тутилиш» ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. «Эри тулғур, хосиз сўзла» нақлига риоя қилиб, фикр юртдагилар бўлса, эндиликда биз қанчалик йўналишда ва қаргга қетаётганимиз

Хадислар ислом дини таълимотида муқаддас китоби-миз Қуръони Каримдан кейин турадиган иккинчи асосий манба ҳисобланади. Пайгамбаримиз алайҳиссалом ҳаёт вақтларида хадислар ёзма равишда қайд этилмаган. Ул зот ўша пайтда «Нозил бўлаётган Қуръон оятлари билан менинг хадисларим аралашиб кетади, одамлар ўртасида тушуновчилликлар пайдо бўлади» деган ўйда хадисларни ёзиб олишни ман қилганлар. Саҳобалар (Мухаммад алайҳиссаломнинг бевосита суҳбатда бўлиб, ул кишидан эшитганлар) ва тобеъинлар (пайгамбарни шахсан кўрмаганлар, фақат саҳобалар билан мулоқотда бўлганлар) ўз қуваёи ҳофизларига ишонганлар. Улар ёдлаган хадислар асосан оғзаки тарзда эл орасида тарқалган.

Пайгамбар алайҳиссалом вафот этиб, ундан кейин бирин-кетин саҳобалар ҳам, тобеъинлар ҳам дунёдан ўта бошлаган пайтда ислом динининг нуфузи кучайиб, жўрофий жиҳатдан катта ҳудудга тарқалганди. Шу билан бир қаторда, ҳар хил миллий-сиёсий иттилофлар, фикҳ ва калом илмидаги зиддиятлар кучайганди, исломда турли-туман оқим ва маъзаблар пайдо бўлганди. Оқибатда чала-чулпаллик, ноқислик, баъзан шахсий манфаат ёки мансаб илнжидида амиру ҳокимларга ҳушомадгуйллик қилишлар туфайли эл орасида сохта хадислар ҳам тарқала бошладди.

Манбаларда қайд этилишича, ўша пайтда бидъатчи худосизлар ва иймонсизлар томонидан Мухаммад пайгамбар номларидан ўн тўрт мингга яқин сохта хадислар тўқилиб тарқатилган. Агар аҳвол шу тарзда давом этса, пайгамбаримизнинг хадислари асл ҳолида сақланиб қолмаслиги, келгуси авлодларга ҳаққоний равишда етиб бормаслиги тайин эди. Буни англаган ҳокимлар хадисларни ёзма қайд этиб, тўплашга киришдилар. Бу хайрли ишга биринчилардан бўлиб умавийларнинг саккизинчи халифаси Умар ибн Абдул Азиз ибн Марвон (681-720) қўл урди. Шундай қилиб, VIII асрнинг биринчи ярмида, Мухаммад пайгамбар вафотидан қарийб 80 йил ўтгач, хадисларни жамлаб тадвийн (ёзма қайд) этиш бошланди. Бироқ жамланган хадис тўпламлари ҳали ҳам муайян тартибга солинмаган, ҳам мавзу жиҳатидан бобларга ажратилмаган, пайгамбаримиз хадислари саҳобалар ва тобеъинларнинг қавлларини фатволари билан аралаштирилиб, чалқаштириб юборилган эди. Шунга қарамай, махсус хадис тўпламлари яратилди, уларга бағишланган муснад, сунан ва саҳийҳ деб аталадиган турли тўпламлар пайдо бўла бошладди.

Маълумки, ислом дини Марказий Осиёга VIII аср бошларида кириб келган эди. Ислом лашкарлари асосан саҳобалар ва тобеъинлар саркардалиқ қилардилар. Улар қайси шахрни фатҳ этсалар, ўша жойда дарҳол масжидлар қураб, аҳолига диний таълим бериш учун саҳоба ёки тобеъинлардан махсус вакиллар қолдириб кетардилар. Шу тарика Бухоро, Самарқанд, Шош, Марв, Марғилон, Хоразм, Насаф ва бошқалар шаҳарларда асосан Қуръони Карим ва пайгамбар хадислари ўқитилиб, тарғиб қилинди. Натижада хадислар кенг тарқалиб таълим-тарбия соҳасида ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам мустаҳкам ўрин эгаллад. Бу борада юртдошларимиздан Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий, ал-Ҳайсам ибн Қулайб аш-Шоший, Иброҳим ибн Маъжид ан-Насафий, Нуайма ибн Ҳаммод ал-Марвазий, Жамоулдин ан-Насафий, Ҳофиз ал-Хоразмий, Абу Мухаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Дорамий ас-Самарқандий сингари олимлар ҳам самарали фаолият кўрсатдилар.

Хадисларни чуқур ўрганиш ўлкамизда VIII аср охирида

Давоми. Боши биринчи бетда

Кишининг кўзи шунча нообод ерлар орасида бундай бир обод ерга тушган замон беихтиёр «бу ер ё урунники ёхуд жуудники, гайрат ва маърифат самараси», демакка мажбур бўлар».

Бинобарин, Чўлпон ердан фойдаланишга ҳам маърифат, маданият керак, деб қўйнади. Асосий тирикчилиги деҳқончилик бўлган ўлка бойлиги қишлоқ хўжалиги тараққиёти билан боғлиқ эди. Бунинг учун ер илмини билиш лозим эди. Дунё зироатчилик ҳаётини кузатган Чўлпон «Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик» мақоласида ўзбек деҳқонларининг меҳнатини енгиллаштириш учун ерга ишлов берувчи техникани олиб келиш масаласини кўтариб, шундай ёзади: «...омир-қолиқлар таажжуб қилсалар керакким: «Шундоқ манбат тўроғлик халқ нимага мундоқ?» деб, аммо ул омирқолиқлар экин асбоблари ишлатуб, биз ўн киши ўн кунда қилган ишимизни онлар икки киши билан ўн соатда қилмоқдадур. Онларда ўриш, чочиш, қопиш, териш, экиш — ҳаммасини осон, олот (машина) билан тайёр бўладур».


Адиб мақоланинг биринчи қисмида деҳқонларга машиналарнинг фойдали эканини тушунтириш масаласини ёвса, иккинчи қисмида бу хусусда шахсан ўзи далалатлар билан гаплашганини, уларнинг машина сотиб олиш учун пули йўқлигини, бойлар ердан бермаслигини айтиди. «Деҳқонларни пулдорлардан, қулиқ, асирликдан қутқулдурмоқ чоралари...»ни топиш масалаларини ўртага ташлаб, ночор аҳволни тасвирлайди. Бу мақола гарчи тугамаган бўлса-да (газетада сўнгги қисми босилмаган), унда ёш адибнинг жонқурлиги сезилиб туради.

Икки томонлама эзилган халқ аҳолидан, бойлигидан, севрунум еридан Туркистонга текин даромад берувчи «Олтин ўлка» деб қаровчи мустамлакачилар ва уларнинг панохда яшовчи одамсизон зулмлар манфаатдор эдилар. Айниқса, армянлар ва яҳудийлар ўз «эзгу мақсадларини амалга ошириш учун янги темир йўллар, бекатлар қуришга киришадилар, йўл ёқасидаги бозорларни эгаллайдилар. Бу қурилиш кимга фойдаю, кимга зарарлиги маҳаллий аҳолининг илгор қисмига маълум эди. Андижоннинг танқили кишиларидан Убайдуллаҳжа Сулаймонхўжа ўғли «Садойи Фаргона» газетасида «Туркистондаги, билхосса Фарғонадаги мусулмон қариндошларимизга хитобини эълон қилди. Туркистон туман махфий хизмат бўлимидаги турмонидан хавфли ҳисобланган бу киши ўз хитобиди Андижон — Наманган темир йўли қурилиши ҳақида фикр юриятди. Маҳаллий халқ темир йўлга яқин жойларни арзонгаровга сотаётганини айтиб, ачинади. Ер сотган кишиларнинг пули тез фурсатда ҳадрсизланишини, сотилган ерининг қиймати эса тобора ошишини уқтирди. У: «Ернинг танови 500 сўм, 600 сўм эди, энди бир минг, икки минг сўм бўлди, сотмоқ керак», деб ажабийларга сотмоқдадур. Мундоқ қобил ва манбатлик (унумдор — С. А.) мулкларини сотиб, тоғ ва чўлларга сурйиб, Омирқонинг сақинани олиясидек (яъни, тўб аҳолисидек — С. А.) маъв ва мунаризи бўлмақдун ҳазил хавф ва андеша қилмайдурлар», деб ҳафя бўлди. Бу асосли хавотир эди. Американинг тўб аҳолиси оверуполикларнинг қиличи, милтиги, тўпи, золимлиги, макр-хилласи билан ўз еридан қувилган эди. Бундай аҳвол эттисувлик қирғиз деҳқонларининг бошига ҳам тушган эди. Сулаймонхўжа ана шу фожиа бошқача шаклда ўзбекларнинг бошига келётганини пардалаб айтиди. Чўлпон ана шу фикр ва хитобни қувватлаб, «Ватанимиз Туркистонда темир йўллар» мақоласини ёзади. Унда чор ҳукуматининг темир йўл сёбатини аққол қирсатиди. Чунончи: «1-нчи Намангандан келиб Андижонга, Андижондан Ҳазрат Айюбга, Ҳазрат Айюбдан чўзилли Олмаота тарафларига кетадир. 2-нчи Андижондан бир шох чикди Ҳўқанд қишлоқ, Моси, Бозорқўрган тарафларига, 3-нчи Андижондан Ўш, Жалолобод, Ўзган билан Хитойнинг Қошғар ҳудудигача борадир (Ўш, Жалолобод, Ўзган темир йўллари ҳозир ишласа ҳам, Қошғар ҳудуди темир йўли бир неча йиллардан кейин ишламоққа бошласа керак). Демак, мўлжал Қошғар эди, аммо амалга ошмади», — дейди. Кейин фикрини давом эттириб: «Бул темир йўлларнинг қўп экин жойларни босиб ўтмоғи, масжид ва хоналарни вайрон қилиб ўтмоғидан зарарли бўлса ҳам, фойдаси яна кўпроқдир... фақат Убайдулло афандининг айтганича, «бебаҳо мингларга қиймасга керак». Ақча битар, кадр кетар, аммо у ерларни топиб бўлмас», — деб ёзади.

Чўлпон устозларининг ажабийларга ер бермаслик хусусидаги фикрларини қалбдан ҳис қилади. Ер сотганини ёмон қўради. Она-тупроқни сотишни қурфони нёзмет деб билади. Шунинг учун темир йўл тўшаётган жойлардаги ерларни сотмасликка чақиради. Негаки, агар ер сотилса, биринчидан, Убайдуллаҳжа Сулаймонхўжа айтганидек, маҳаллий аҳоли Омирқо хиндулари сингари ўз ватанида беватан бўлиб қолади, иккинчидан, бойлик, орттирмоқчи хохлаганлар энг янги ва қулай бозордан маҳкумидлар, учинчидан, уларнинг молларини келгиндилар арзон-гаровга олиб сарватларини оширадилар. Бинобарин, маҳаллий сармоядорларнинг умумжаҳон бозори ўқда турсин, ҳатто Урусиёнинг ички бозориди ҳам ишлари қасдга учрайди. Буни сезган ёш адиб ёзади: «Ер ва тупроқ сотган бола-чақа ва наслини сотган билан баробардур. Бир ота ерини сотди, демок бола-чақа ва наслини то қўмат ои ва яланғоч қолдурди, демокдир. Ватан тупроғи шундоқ Онадур

ридан бошлаб одат тусига кирган. Бунга бухоролик олимлар Мухаммад ибн Салом ал-Пайқандий, Абдуллоҳ ибн Мухаммад ал-Маснадий, Хорун ибн ал-Ашъас, ад-Доҳий, Исмоил ал-Бухорий (имом ал-Бухорийнинг отаси) ва бошқаларнинг ижодларини мисол келтириш мумкин. Табиий, бизда ҳам аввал-бошдан хадисларни ёдлашга алоҳида эътибор берилган. Фикримизнинг далили сифатида бухоролик хадисшунос олим Салим ибн Мўжохиднинг имом ал-Бухорий ҳақидаги бир ҳикоясини эслаш қифоя: «Бир кун устоз Мухаммад ибн Салом ал-Пайқандийнинг

Барча хадисларнинг нешвоси



уйига борган эдим. У бироз ачинган ҳолда: «Агар сал олдинроқ келганингизда етмиш минг хадисни ёд биладиган бир болакани кўрадингиз-да», — деди. Мен дарҳол орқамга қайтиб чиқиб, кўчада ҳалчан кетаётган бир бола ни учратиб: «Етмиш минг хадисни ёд биладиган бола сенмисан?» — деб сўрадим. У: «Ҳа, менман, балки ундан кўпроқ хадис ёд биламан», — деди».

Бу воқеа IX асрнинг биринчи чорағида — имом ал-Бухорий ҳали куттобда (бошланғич мактабда) ўқиб юрган

кезлари рўй берганди.

Ҳижрий учинчи (мелодий тўққизинчи) аср ҳадис илми тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки айнан шу даврда хадислардан фақат саҳийхлари (ишончли, тўғрилари) ажратилиб, муайян қоида-шартлар асосида чуқур тадқиқ қилинган, мавзуларига кўра алоҳида бобларга бўлиниб, мустақил асарлар яратилган. Бу вақтда Мовароуннахр ва Хуросон заминидан етишиб чиққан Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810—870), Муслим ибн ал-Хажжож ан-Найсобурий (819—874), Абу Довуд Сулаймон ибн ал-Ашъас ас-Сиёстони (817—880), Абу Исо Мухаммад ибн Исо ат-Термизий (824—892), Аҳмад ибн Шайб ан-Насоний (830—915) ва Абдуллоҳ ибн Можа (822—886) каби буюк зотлар жумлан жаҳонга машҳур олти саҳийҳ хадислар (ас-сиҳоҳ ас-ситта) тўпламини яратдилар. Улар орасида буюк ватандошимиз имом ал-Бухорий ҳазратлари алоҳида ажрალიб туради. У саҳийҳ хадисларни тўплаб алоҳида асар сифатида таълиф этишга асос солган. Унга эргашган қатор шоғирдлари ҳам шу тартибда иш юритганлар.

Имом ал-Бухорий ўз ижодий фаолияти давомида йигирмадан ортиқ асар яратган. Улардан аксарияти бизгача етиб келган. Аллома ижодида «ал-Жомеъ ас-саҳийҳ» («Ишончли тўплам», у «Саҳийҳ ал-Бухорий» номи билан машҳурдир) алоҳида ўрин тутди. Бу қимматбаҳо асар Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара ва Бухорои шарифда ўн олти йил давомида ёзилган бўлиб, ўзида саккиз мингга яқин саҳийҳ хадисларни жамлаган. У мавзуларига кўра тўқсон етти китоб ва 3450 бобдан иборат. Асосан тўрт жилдлик ҳолда.

«Саҳийҳ ал-Бухорий»нинг кўплаб қўлёзмалари дунёнинг турли йирик шаҳарларида қимматбаҳо манба сифатида сақланади. У қайта-қайта нашр этилиб, бир неча хорижий, жумладан, инглиз, француз, олмон, форс, турк тилларига таржима қилинган. Асарга юздан ортиқ шарҳлар битилган. Мустақиллигимиз шарофати туфайли бу асар ўзбек тилига ҳам тажима қилиниб, Тошкентда нашр этилди.

Асарнинг беназир дурдона сифатида қарийб ўн икки асрдан буюн олму уламолар томонидан ислом дини таълимотида Қуръони Каримдан кейин турадиган иккинчи асосий манба сифатида юқори баҳоланиб келиниши бежиз эмас. Имом ал-Бухорий пайгамбаримиздан содир бўлган саҳийҳ хадисларни ҳар томонлама чуқур текшириб илмий тадқиқ қилган. Шу билан бирга, хадисларнинг санад (яъни ровийларига ҳам алоҳида эътибор берган, бу масалага ўта илмий нуқтаи назардан қараган. Бинобарин, аллома хадис илмида ровийлар тарихини ўрганиш соҳасига ҳам биринчилардан бўлиб асос солган. Катта масъулият ва ўта ҳалоллик билан иш тутиб, ровийлар ҳақидаги тўлиқ маълумотларни тўплаган. Улар ровийларнинг туғилган йиллари ва юртлари, ижтимоий келиб чиқилари, касб-корлари, қандай устозлардан қачон ва қаерда таълим олганлари, илмий ва маърифий савиялари, иймон-этиқодларининг бардавомлиги, ростгўйликлари, ёлгонга мойил эмасликлари, ваҳималари қамлгити, вафот этган йиллари, ўзларидан олдинги шайхлари билан шахсан мулоқотда бўлганликлари ва бу мулоқот қандай вазиятда кечганилиги ҳақидаги маълумотлардир.

Озодлик намояндалари

Кўнглимиз тўқ ва умидимиз ортиқ

Чўлпон ва жадидчилик

ки, буни хўр қилдук, ўзимизнинг ҳам хўр бўлмоғимиз кўз олдидадур. Ер сотиб, хонавайрон бўлганлардан ибрат олайлик!.. Жаноби Ҳақ икки кўз ва ақл берибдур, қўзларимиз ила қўриб, ақлимиз билан ўйлайлик! Ўзимиз дунёга яланғоч қўйинда келуб, Онамиз, Ватанимиз — тупроғимиз бизни боқар, ризк берар, катта қилар, дунёда яшатар, ул Онани сотганлар, албатта, нёзматиинг қадрини билмаган куфронни нёзмет қилган бўларларки, кўп ёмон гуноҳга ботарлар.

Тупроқдан яратилдук, демек, тупроқ танимиздур. Ўз танимизни ўзимиз сотсак, беақллик бўлмасму?»

Кўриниб турибдики, гап фақат темир йўл ёқасидаги ерларда эмас, Она Ватанда! Адабиёт оламига энди собит қадм ташлаётган Абдулҳамид Сулаймон тазод усулини қўллаб, «Ҳой, одамлар! Ватанини сотманлар, тупроқни сотиш дунёдаги энг «қўнча қасб»ни қилиш билан баробар», — дейди. Ерга эгалик ҳуқуқини ҳимоя қилади.

Ҳар қандай мустамлакачи ёки ҳокими мутлақ аҳолини ўзига қарам қилиш учун ерга эгалик ҳуқуқини халққа бермайди. Ерни ижарига бериб, судхўрлик йўли билан бойлигини қўпайтираверди. Оқибатда халқнинг ўртаҳол қисми қамбағаллашди, қамбағали қашшоқлашди, қашшоқли ўй-ҳойсиз қолиб, хонавайрон бўлади. Люмпенлар, товламачилар, ўғриллар, фоҳишлар, етир-есилар, чайковчилар, қиморбозлар, гиёҳвандлар

ушлаб туриш учун саноят ва қишлоқ хўжалигини ривожлантирмасликка интилар эдилар. Чунки қашшоқлик ҳар қандай халқнинг руҳини туширади. Рўхсиз вужуд эса фалаҳидур. Буни Чўлпон дўстлари, ҳаммаслақлари, устозлари ёрдамида зийраклик билан илғайди. Бирок ўз фикрини далил-хужжатлар асосида кенгрок баён қилиш имкониятига эга бўлмагани учун юқорида келтирилгангадек ёзади, айни чоғда эхтиросларини жиловлаб-май: «...ватанимизнинг бойлигини, тижоратимизнинг фойдаларини четлар чўнтағига солмасдан ва бермасдан, ўз чўнтағимизга олаб юрмоғимиз керақдур. ...Биз ҳам инсонимиз, инсондек яшайлик!» — дейди.

Инсоний яшаш, Чўлпон тушунчасида, илм-маърифат билан яшаш эди. Маърифат, яхши таълим-тарбия Аллоҳ берган истеъод гайратини (локомотивини) ҳаракатга солади, тафаккур атомини вужудга келтиради. Тафаккур — атом қуввати эл-ҳамият вужудини пажмурдалиқдан, аутизмдан қутқаради. Халқ сиёсий афронияқидан шифо топади. Адиб «Садойи Туркистон» газетасида босилган дастлабки йирик наصري «Духтир Мухаммадёр» ҳикоясида шу тарбиянинг жадидча орзу манзарасини ёрқин тасвирлайди.

Ҳадидлар катта ниятларга эришиш учун аввало эзлинг маъшӣ ҳаётини тартибга солиш лозимлиги масаласини ўртага қўйгандилар. Тўйларда ортиқча сарф-харажат қилишни, бачча ўқитишни, кўпқирини, кўпқирини, улук чо-лишни, кўбурини сингари томи-шарини, турли шахсларга бе-худа инъом бериб, тўн кийги-зишни, қиморбозлик, ичкилик-бозлик, гиёҳвандлик каби зарар-ли одатларни қораллагандилар. Чўлпон замондошлари Нусратул-ло Қудратулло қори, Абдулла Қодирий, Абдулла Бадрий, Хо-жи Муин ва бошқаларнинг фик-рини қувватлаб ҳаёлий ҳикояси-да: «Қани Алп тоғлари устида иш-лаб толган пулга ва дунё-сига тўй қилмай, улук чолир-май, бачча ўқитмай, эшон-мул-лаарга ва қорни йўғналарга эл-тираган тўнлар қийғизмай суюк-ли ўғлини ўқитган ва тарбия қил-ган Исвөрча қишлоқлари...» дейди ноби. Ўшабу орзуларни амалга ошириш тадбирларини миллат болаларини Боку, Петер-бург, Исвеч (Швейцария)га ўқиш-га, тажриба ортиришга юбо-ришда, уларнинг етук мутахас-сис сифатида қайтишда кўра-ди. Асар 1914 йилда ёзилгани-ни назарда тутсак, бош қаҳра-мон Мухаммадёрнинг ҳаётдаги тимсоллари етишиб чиқётгани-ни кўраимиз. Бунга мисол тари-қасида Фитрат, Ҳамза, Абдурах-мон Исмоилзода ва бошқалар-нинг Туркияда, Ташпулатбек Норбутабековнинг Петербургда, Убайдулла Асадулла Ҳужаевни-н Саратовда тахсил олганлари-ни эслаш қифоя. Чўлпон бу во-қеалардан албатта хабардор эди. Мухаммадёрнинг отаси Хо-жи Аҳмадининг ҳам саргузашти ҳам ўша замон учун одатий (ти-пик) воқеа эди. У даврларда

кимнинг қаёққа бориб келгани дарҳол элга маълум бўларди. Айтмоқчимизки, адиб қаҳрамонлари саҳинисининг, ҳаёт мазму-нунининг замани жуذا бақувват ва ишончлидир.

Чўлпон «Садойи Туркистон»да тажриба ортирган кезлари «Турон» театр труппаси фаолиятидан ҳам хабардор эди. Шу боис Мухаммадёр Петербургда тахсил олаётган чоғида роман ёзади, пиеса битиб, ўз саҳналаштиради, бош ролини ҳам ўзи охиро этади. Бу ҳам жадидларнинг мақсаддан матлабга қўнган орзуси эди. Чунки «Садойи Туркистон» газетаси чиқмасдан салкам икки ой бурун — 1914 йил 27 февралда «Турон» труп-паси шақлланиб, ҳўкумат томонидан тан олинган, у ўзининг биринчи асари «Падарқуш»ни томошабинларга расман тақдим этганди. Навбат миллий санъаткорларнинг ижодий сафарига қишқиларига, ўзга миллатлари ўзбек маданияти билан та-

Шу тарика саҳийҳ хадисларни аниқлаш борасида би-ринчи маротаба муайян тартиб-қоидалар вужудга келган, улар ҳадис илмида «Шуррут ал-имом ал-Бухорий» («Имом ал-Бухорий шартлари») ёки «Шуррут Саҳийҳ ал-Бухорий» («Саҳийҳ ал-Бухорий шартлари») деган беш банддан иборат янги бир илмий йўналиш сифатида талқин этилади. Мухтасар баён қилсак, бу шартлар қўйидагилардан иборатдир:

1. Ҳадис ровийларининг ҳаммаси то саҳобаларга қа-дар барча яқдиллик билан тан олган, обрў-эътиборли ва нуфузли (сиқот), иймон-эътиқоди қомил, ростгўй ва соф-дил мусулмон, қаллоблик ва фирибгарликдан холи, бош-қалар билан итилоф чикаришдан четда юрадиган киши-лар бўлиши лозим эди. Шунингдек, инсобу адалатни ўзи-да тўлиқ муҳассам этган ҳалол-покиза, эҳёни ўқтир, диё-нати соғлом бўлишлари ҳам зарур эдики, бу уларнинг ҳулқ-атвори ва амалий фаолиятларида олий даражада ўз ифодасини топтомоғи жоиз эди.

2. Санадада (яъни ровийлар силсиласида) узилиш (ин-китўё) бўлмаслиги қатъий шартлардан ҳисобланарди.

3. Агар ровият аънаъа тарзида, яъни бир неча ро-вийлар силсиласидан иборат бўлса, ровий албатта ўз устози (шайхи) билан шахсан мулоқотда бўлган бўлиши лозим эди.

4. Келтириладиган хадиснинг ишончлилигини имом ал-Бухорийдан олдин ашаб ўтган муҳаддислар ёйинки ҳеч бўлмаганда унга (ал-Бухорийга) замондош муҳаддислар бир овоздан эътироф этган бўлишлари шарт эди.

5. Ровият қилинадиган хадис ҳар қандай хато-қамчилик ва нуқсонлардан холи бўлмоғи шарт эди.

«Саҳийҳ ал-Бухорий» нафақат ўз замонаси учун, балки ҳар қандай давр ва ҳар қандай жамият учун ҳам том маънода тарихий аҳамиятта молик асар десак, муболага бўлмайди. Чунки бу манбада келтирилган ҳикматлар ми-нг йиллар оша фақат бир улуг ғояга — иктисодий фиро-вон, адалотли, демократик баркамол жамият қуриш ҳа-мда ҳар томонлама етук, маънавий қомил инсонларни тар-биялашдек ўта муҳим мақсадга хизмат қилиб келмоқда. Шу боис у ёзилган илк онидан то ҳозирга қадар Фарбада ҳам, Шарқда ҳам баббаравар ардоқлиниб, алоҳида меҳр-муҳаббат ва иштиёқ билан ўрганилмоқда.

Имом ал-Бухорийдек буюк зотнинг бизнинг замани-миздан етишиб чиқшини тасодифий ҳол деб бўлмайди. Бу қўнча Туркистонимиздаги илм-фан ва маданиятнинг илдиизи бениҳоя чуқурлигидан, ўлкамизда азалдан аъна-навий маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлганлигидан, энг муҳими, бу юрт аҳли жамият ва инсоният манфаатла-ри йўлида ҳар қандай илмини тез ва теран илғаб, юксак поғоналарга кўтариш лаёқатига қодир эканликларидан да-лолат беради. Биз буюк ватандошимиз имом ал-Бухорий билан ҳар қанча фарқнасан арзийди. Унинг хадис илми соҳасида тенга йўқ, қаяқча ягона аллома бўлганлигини жаҳоннинг кўплаб олимлари бир овоздан таъкидлаган-лар. Шунга қара, имом ал-Бухорий ҳеч бир олимга насиб этмаган «Амирул муъминийн фи-л-ҳадийс» («Ҳадис илми-да барча мўмин-мусулмонларнинг амири»), «Имом ал-му-ҳаддисийн» («Барча муҳаддисларнинг имоми, пешвоси»), «Имом ад-дунйа» («Бутун дунёнинг имоми») каби ўта ша-рафли унвонларга сазовор бўлган. Она Туркистон номи-ни жумлан жаҳонга дoston қилган шундай буюк зотга мансуб авлодлар, муносиб ворислар бўлиш бизлар учун улкан шараф, айни вақтда катта масъулиятдир.

Убайдулла УВАТОВ,
филология фанлари номзоди

ништиришларига, уларнинг саҳнасида асар қўйишларига ва род ўйнашларига етганди. Бирок талайгина миллий, иктомий, сиёсий, маданий муаммоларни қал қилмай туриб, бу ишни амалга ошириш қийин эди. Шунинг учун Чўлпон устозлари Мунавварқори, Бехбудий, Ғаспирали, Ҳўжаев ғояларини тақ-роқлайди: «...Омирқодан ҳеч қамлиги йўқ» ўлкада яшовчи «Хал-қ ўз фойдасини англаса, миллий мактаб ва мадрасалар очса, Оверупо дорилфунунларига болаларини юборса, дўхтир, адво-кат, муҳаррир ва ҳунарманд, савдогарлар ва муҳандис (инже-нер)лар чиқса, бунларнинг ҳар бири ўз вазифаларида туриб ишларин тартиб ила юргўзсалар ва халқимизнинг фойдасини кўрсатсалар, нақадар олий ва нақадар гўзал бўлур эди!»

Гап Мухаммадёр ҳақида бораё, экан, жадидлик ва миллий масалани ҳам айтиб ўтмоқ жоиз. Жадидлар вужуд эркинчи-ли, ирқий ва миллий масалага кенг қараганлар. Тор миллатчи-лик, шовинизм уларга ҳам бегона эди. Аммо улар ҳам, Чўлпон ҳам мустамлакачиларга, шовинистларга, «руслаштириш, ма-сиҳийлаштириш» сиёсатига қарши турдилар. Чунки, Илмин-ский, Остроумов каби шахсларнинг «фаолият» ўлка зўмилла-рининг меъдасига теккан эди. Фикримиз куруқ бўлмаслиги учун икки мисол келтирайлик. Аввало, Мирмуҳсин — Фикрий сўзига эътибор беринг: «...Табийи, Туркистонга маориф ин-спектори қилиб белгилангач, қарт миссонер Остроумовнинг таъсири ила бизда мунтазам мактаб, мадраса очила олмас эди. Қарт миссонер бунга пичроқ бир қасд ила қарши эди. Зеро, тартиблик бир мактаб ва мадраса билан биз чеккан шог-рлларда диний, миллий ҳис-тўйлар бўлар эди. Улар миссио-нерларнинг пичроқ маслакига хизмат этмас эдилар». Энди Чўлпон сўзига қулоқ тўтайлик: «Чор ҳукумати вақтида ички Русия мусулмонларини чўқинтирмоқ ишида Рустами Зол бўл-гон маълум Остроумов турамизнинг устози саналган машҳур Илминский чўқинтириш сиёсатини пири бўлган машҳур Побе-доносцевга ёзган хатига «Ерлик халқ орасида бизнинг учун фойдалик ва ҳеч бўлмаганда зарарсиз қишлар, у рус тилини тутилиб, уялиб гапиратурган, ўрчуса ёёғонда бирмуна хато билан ёзатурган, бизнинг губернаторимиздан эмас, ҳатто уст-лаб бошлиғи (мирозо)миздан ҳам қўратурган қишлардир», де-ган эди. Чоризм қаршида биз рус тили билан эмас, ҳатто Оверупо маданий миллатларнинг тили ва билими билан ҳам жавоб бер-сак, одам қатори ашмоққа албатта ҳақ қозонармиз».

Ҳар икки адибнинг фикри бир-бирини тўлдирди. Уларда, заррарча бўлсин, миллий айирмачилик, шахсин қамситиш йўқ. Лекин миссонерларнинг қасди ёмон эканлиги равшан қўри-ниб турибди. Айни шу жиҳатларни элга ошқола қилиб, халқни-н қўзғони очиб жадидларнинг, хусусан, Чўлпоннинг позиция-си эди. Негаки, у шахс сифатида шақлланган, ижтимоий-сиё-сий, маданий-маънавий манфаатлар қайнаган манзил ҳоди-сотлари билан обдон таниш ва Русиянинг мустамлакачилик стратегиясини яхши биларди.



ТОҒНИНГ БАЛАНДЛИГИ

Устоз ҳақида сўйлаш марокли. Кишининг кўзи кўнади. Шундай серғайрат ва кўракам савлатли устоз Абдуғафур Расулов 60 ёшга кирибди. Улар оқар дунё деганлари шу бўлса керак. Йиллар бир тарафу, меҳрибон ва талабчан устозлик, оила ва дўстлар даврасидаги бахтиёрлик, илмдаги салмоқли ишлар бир тараф. Домланинг инсоний фазилатларини санаб адо қилиш мушкул. Кенг билимлилик, зиёлига хос маданият ва камсукумлик, илмий ишлар ва каттақўзажамоага сардорлик масъулияти олиханоиб инсон фазилатларининг мингдан бири бўлса

ажаб эмас.

Тоғнинг баландлиги ундан узоклашган билинади, дейдилар. Домланинг бугун мустақил ҳаётга учирма бўлган шоғирдлари ушбу гапнинг чинлигига гувоҳ бўлиб турибдилар. Биз домлага соғлиқ-саломатлик ва бекаму кўст ризку насиба тилаб қоламиз.

**З. ЖҲАКУЛОВ,
Х. НОРБОВЕ,
ТошДУ ўзбек филологияси факультети
талабалари**



ОФТОБЛИ ДАРЧА

Ўқиш — ўзини топиш...

Ёшлар нима ҳақида сўзлашадилар? Фақат муҳаббат ва янги урфдаги кийимлар ҳақидами?

Уларнинг барча мавзудаги суҳбатлари ҳам ўзига хос. Эҳтимол, бу суҳбатларда мулоҳазадан кўра эҳтирос кучлироқдир. Лекин уларда доим янгилик, дунёни ўзгачароқ идрок этиш бўлади.

... Адабиёт янгиликлар, зиддиятлар, курашларни тийрак кузатиб туради, у юрагида бўлаётган тугенларни ошкор этгиси келмаган, бироқ буни эплай олмаган ошқикла ўхшайди.

Хар гал жaxon дурдоналарини ўқиётиб, донолар анжуманига кириб қолгандек сезаман ўзимни. Лев Толстой айтган экан: «Китоб менинг ҳаётимда оналик вазифини бажарган.

Ва айниқса Балзак китоблари инсонга муҳаббати, ҳаётни мўъжизавий бир тарзда билиши мен учун азиздир».

Дугоналарим билан китоб ҳақидаги гапларимиз тугамайди. Баъзилари бизга ростдан ҳам, онадай азиз бўлиб қолади.

— Вой тақдирлар уммони-ей... — дейди Гулнор — университетдош дугонаман. У ҳозир «Замонамиз қаҳрамони» ни ўқиб тугатяпти. Бутун ўй-хаёли шу китобда.

— Мана, қара, нималар дейди-я...

«Мен яшаш истаيمان, истаيمان, ғамни муҳаббат ва бахтга аччиқма-аччиқ»...

Мақтабда ҳам ўқиган эдим бу асарни. Лекин энди ўқисам, бутунлай бошқача. Илгари негaдир Печоринга ачинардим. Энди ачинмай қўйдим. У илгари сиздан, мендан, ҳаммамиздан бахтсизроқ бўлиб туюларди. Энди эса ундай эмас. Нега? Билмаيمان. Вақт ўтиши билан одамнинг таассуротлари ҳам ўзгариб турса керак, тунда Лермонтовни ўқисангиз, уни ўз вақтида кўкларга кўтарган илҳом сизни ҳам кўтариб учadi. Ушунда: «Токи осмонда худо бор экан, ер юзида бахт ҳам бўлади», деган унинг гапларига ишонасиз.

Хар сафар жиндай қайғуни ҳам унутолмай қийналганимда, севги билан нафрат қоришиб кетган кезларда Печориннинг: «Шодлик унутилади, қайғу эса ҳеч қачон», деган сўзларини эслайман.

Гулжамол, биламан булар романтик гаплар. Лекин асар қаҳрамонлари осмондан тушмаган-ку. Уларда кимнингдир сувра-

ти, кимнингдир сийратини кўришимиз беҳиз эмасдир!»

Гулнорни тинглаб, ҳаммамиз ўша инсоний меҳрга ташна эканимизни аниқлайман. Бу ташналик дахшатли гўзалликдек туюлади, менга.

Толстой, менга Нехлюдовни тақдим этганда, мен уни иккиланиб қутиб олдим. У менинг «яхшиларимданми», ёки ... Йўқ. Нехлюдовнинг яхшилиги шундаки, у бировлар қандай ҳуқуққа асосан бошқаларга азоб берадилар, деб ҳаёл суради.

Мен Толстойнинг «Тирлиш»ини ўқиб, ёзувчи ўша даврдан туриб бугунги кунларни кўра олганига ҳайратланаман. У ҳусусий эгаллик ҳуқуқи бўлма-са, ерни ишлашга қизиқиш бўлмайди, деган эди. У яна ранжитилган халққа озор бермасликларини истарди.

Мен адабиёт ҳақида кўп билмаганимга афсусланиб, бошқа толиба дугонаман Шарифага юзланаман. У ғоятда эҳтиросли ҳиссиётлар намойишқори.

— Яна кимдан ўзингни излаб юрибсан? — ҳазил аралаш сўрайман ундан. — Биласанми, кўнглим бир севсанди-ю, уйғониб кетди. «Замондан орқада қолибман-ку, хислар ҳам жонсиз» деб, қўлимга ма-нави ғалати ном қўйилган китобни олиб ўқий бошладим. Ўқияпман-у, кўзим олдида ўзга олам.

Олис Лотин Америкасининг қайсидир гўшасига бориб қолгандекман гўё. Кейин ҳаммаси қоришиб кетди. Бир нарсани, қачонлардан буён мен ҳам ёлғиз яшаётганимни сезиб қолдим. Атрофим тўла одамлар негaдир ёлғизман, аммо Амаранта, Ребека, Ремедиос, улар ким эди? Толдингиз, бу Г. Г. Маркеснинг «Ёлғизликни юз йили» романи. Бу китобни ўқийману ҳориб кетаётгандек, нимадир эзаётгандек бўлаверади.

Кундан кун кичрайиб кетаётгандек эдим. Уйку нитунда Лермонтовни ўқисангиз, уни ўз вақтида кўкларга кўтарган илҳом сизни ҳам кўтариб учadi. Ушунда: «Токи осмонда худо бор экан, ер юзида бахт ҳам бўлади», деган унинг гапларига ишонасиз.

Хар сафар жиндай қайғуни ҳам унутолмай қийналганимда, севги билан нафрат қоришиб кетган кезларда Печориннинг: «Шодлик унутилади, қайғу эса ҳеч қачон», деган сўзларини эслайман.

Гулжамол, биламан булар романтик гаплар. Лекин асар қаҳрамонлари осмондан тушмаган-ку. Уларда кимнингдир сувра-

Сукунат чўқади. Учала-

миз ҳам жиммиз. Бош кўтариб Шарифага қарайман. Бу гал унинг юзида, доимидек «эър ваъз» ўқиб ҳаммани ҳайратлан-тирганидан мамнун воизнинг кўриниши йўқ. У рoстдан ҳам, ҳокисор, у рoстдан ҳам Маркес қаҳрамонларига ўхшаб кетганди. Тан олиш керак, адабиёт катта қуч, у маънавият сарнашмаси. У бадбинлиқни тасвирлаб туриб ҳам, эзгуликка хизмат қилаверади. Мен гоҳо эшипти қоламан. Адабиёт янгилини, тубдан ўзгариши керак, дейишади. Холбуки, севишга, эзгуликка қодир бўлса, бас. Бизга янги бир адабиётнинг кeраги йўқдек, адабиёт ўзига ҳамма зарур йўллари очиб бўлгандек...

Ёшлар бугун Тохир Маликни ҳам, Ўткир Хошимовни ҳам, Саид Аҳмад-ни ҳам ўқишмоқда. Мен фақат умум мухитдаги кичик бир мухитчада ўқилаётган асарлар ҳақида ёздам, холос.

Дунёда қайси бир халқнинг ёзувчиси бўлмасин, бу буюк хилқат бор экан, инсон улуғланаверади, юксакланаверади. Ёзувчи умуминсоний туйғулар билан яшовчандир. Адабиётдаги миллийлик ҳам шунга хизмат қилгусидир.

Толстой «Истеъдод — бу севги. Кимки севишни билса, ўша истеъдодлидир», — деган эди. Китобга муҳаббат қўйиш ҳам истеъдод бўлса ажабмас.

Гулжамол АСКАРОВА

Миллий чолғулар

Сафойил

Урилиб чалинадиган чолғу асбобларининг турлари қаторидан сафойил ҳам жой олган. Бу чолғу Қашқар ва Гулжадан Ўзбекистонга кириб келди. Сафойил уйғур халқининг миллий чолғуларидан бўлиб, рақсга тушганда эркак раққослар қўлида елкага уриб чалинади.

Сафойил бир-бирига темир халқа билан бирлаштирилган иккита таёқчадан иборат бўлиб, уларга майда темир халқачалар кийдирилган.

Созанда сафойилни тўтовсиз силкитиб ундан жара-нгли товуш чиқаради ва ижро этилаётган мусиқа усулига мослайди.

Уйғур халқининг шўх кўшиқлари, рақсларидан хабардоримиз. Шу рақс турларидан бу йигит ва қиз рақсидир. Рақс дуэтида албатта йигит қўлида сафойил бўлади ва уни зўр жозиба билан ишга солади.

Ўзбекистонлик уйғур созандалар ансамблларида сафойил мустаҳкам ўрин олган.


Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАҒУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 0473. Сотувда нархи эркин. Ҳажми 2 босма табоқ.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

МАЪРИФАТ МАНЗИЛИ



Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами муносабати билан Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди «Йилнинг энг яхши журналисти» танловини яқунлади. Танловнинг биринчи мукофоти ва йилнинг энг яхши журналисти номига сазовор бўлганлар — Амиркул Каримов, Ҳаким Сатторов, Раҳмон Қўчқоров қаторида ҳамкасбимиз Абдунаб Хайдаров ҳам бор. Биз уни ва барча журналистларни бу юксак мукофот билан кутлаймиз.

«МТ»чилар

Қон ичиб ётса ҳам юрак этмас чурк, Ғуруримга рақиб қўли етмайди.

Менинг жоним қаттиқ, менинг кўнглим гул, Бир оғиз сўз қутиб бунча йиғлайман. Кўзларим кун бўйи пойлайверар йўл, Ғамнинг қафасида дилин тиглайман.

Жоним қирқ, жоним қирқ, биттадир бошим, Уни-да кундага келтирди бу ишқ, Барги ҳазонлардай тўқилган ёшим Кетар чоғда титраб айтади қўшиқ.

Менинг жоним қирқта, биттадир кўнглим, Уям бир парвосиз қўлига тушди Соғинчлар азоби этди минг тилим, Аҳволим рақиблар тилига тушди.

Менда жон қаттиқдир ва сенда кўнгли, Зулм қилган саринг узаяр йўли. Азобларинг ҳузур, ғамларинг енгил, Ғийбатларнинг менга етмайди қўли.

Қачон ишонасан, олисдаги чўғ, Бу умрим, бу кўнглим ўтдалигига. Қачон ишонасан, эй шафқати йўқ, Менинг ҳам жонимнинг битталигига!

Минг бир томиримдан оқади азоб, Кўзма, пешонам ҳам тўқа бошлар ёш. Кўнглим дардларига беролмайин тоб, Не тоғлар ёнимдан олиб кетди бош.

Жонимни элаган бу сўзларни мен, Кимга айтиб берай, кимларга айтмай? Умримни тилаган бу сўзларни мен, Қайси қўлга берай, қай дилга тутай?

Ки ахир уларнинг ҳар биттасида Юрагимдан тиллаб узилган жон бор. Беором тунининг нак ўртасида Томиримдан сўриб олинган қон бор!

Менинг жоним қаттиқ, менинг жоним қирқ, Ҳазонрез фаслнинг ҳукми ўтмайди.

Хосият БОБОМУРДОВА

Баҳорнинг бир кунин

Дахшат солиб хайқирдинг юз бор, Ваҳимада титради қирқ жон. Неча кунки оломдин хабар, Нима бўлди энамга, баҳор?

Тунинг бўйи ёғилдинг оҳим, Саваладинг ҳаммани бир-бир. Борманг ҳар куним — гуноҳим, Нима бўлди энамга, ёмғир?

Қовоғингни бунчалар уйдинг, Фовоғингдан чиқар бунча дуд. Юрагини пичоксиз сўйдинг, Нима бўлди энамга, булут?

Ғазабингдан қўқ бағри пора, Ишинг фақат қуйдиқмоқ, ёқмоқ, Дилим нотинч, юрагим яра, Нима бўлди энамга, чақмоқ?

Гулларингнинг бандида тикан, Гумонларга дунё келди тор. Энам мени кечирарман, Нима бўлди энамга, баҳор?

Менинг жоним қаттиқ, менинг жоним қирқ, Ҳазонрез фаслнинг ҳукми ўтмайди.

Хосият БОБОМУРДОВА

Сабо, еткур саломимни!

Қўлланган Нихол Гуллайди

Хурматли таҳрират! Мустақил ҳаёт йўлига қадам қўяётган ҳар бир йигит-қиз касб танлашда ҳато қилмаслиги зарур. Акс ҳолда буни тузатиш амри-маҳол кечади.

Инсоннинг табиятида бирор касбга нисбатан муҳаббат бўлмай иложи йўқ. Касбга қизиқиш эса, унга қобилиятдан келиб чиқади. Яхши мутахассис бўлишда кишининг фазилатлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ота-оналар фарзандларидаги истеъдод ва касбга мойиллиқни яхши кўра оладилар. Шунинг учун бу борада улар фарзандларига ўринли маслаҳат беришга қодирдилар. Аммо шундай ота-оналарни ҳам биламизки, боласининг ўзи эҳтирсан соҳаси қилиб, бошқа бирор қўлайроқ ўқинишга жойлаштиришга уринишади. Аксарият ҳолда бундай талабалар кейинчалик ўқиниш ташлаб кетишади. Институт-ни тамомлашга тақдирда ҳам етук мутахассис бўлишолмайди.

Балован икки келаминг учини тутмаган деб, на у ёқки, на бўёқки бўлмай, аросатда юришади. Шунинг учун ота-оналаримиз бизга тўғри йўл-йўриқ кўрсатишлари зарур. Болам, оғир касбни танлаб-

Сурхондарё

Миллий чолғулар

Сафойил

Урилиб чалинадиган чолғу асбобларининг турлари қаторидан сафойил ҳам жой олган. Бу чолғу Қашқар ва Гулжадан Ўзбекистонга кириб келди. Сафойил уйғур халқининг миллий чолғуларидан бўлиб, рақсга тушганда эркак раққослар қўлида елкага уриб чалинади.

Сафойил бир-бирига темир халқа билан бирлаштирилган иккита таёқчадан иборат бўлиб, уларга майда темир халқачалар кийдирилган.

Созанда сафойилни тўтовсиз силкитиб ундан жара-нгли товуш чиқаради ва ижро этилаётган мусиқа усулига мослайди.

Уйғур халқининг шўх кўшиқлари, рақсларидан хабардоримиз. Шу рақс турларидан бу йигит ва қиз рақсидир. Рақс дуэтида албатта йигит қўлида сафойил бўлади ва уни зўр жозиба билан ишга солади.


Ўзбекистонлик уйғур созандалар ансамблларида сафойил мустаҳкам ўрин олган.

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАҒУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 0473. Сотувда нархи эркин. Ҳажми 2 босма табоқ.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.



Қон ичиб ётса ҳам юрак этмас чурк, Ғуруримга рақиб қўли етмайди.

Менинг жоним қаттиқ, менинг кўнглим гул, Бир оғиз сўз қутиб бунча йиғлайман. Кўзларим кун бўйи пойлайверар йўл, Ғамнинг қафасида дилин тиглайман.

Жоним қирқ, жоним қирқ, биттадир бошим, Уни-да кундага келтирди бу ишқ, Барги ҳазонлардай тўқилган ёшим Кетар чоғда титраб айтади қўшиқ.

Менинг жоним қирқта, биттадир кўнглим, Уям бир парвосиз қўлига тушди Соғинчлар азоби этди минг тилим, Аҳволим рақиблар тилига тушди.

Менда жон қаттиқдир ва сенда кўнгли, Зулм қилган саринг узаяр йўли. Азобларинг ҳузур, ғамларинг енгил, Ғийбатларнинг менга етмайди қўли.

Қачон ишонасан, олисдаги чўғ, Бу умрим, бу кўнглим ўтдалигига. Қачон ишонасан, эй шафқати йўқ, Менинг ҳам жонимнинг битталигига!

Минг бир томиримдан оқади азоб, Кўзма, пешонам ҳам тўқа бошлар ёш. Кўнглим дардларига беролмайин тоб, Не тоғлар ёнимдан олиб кетди бош.

Жонимни элаган бу сўзларни мен, Кимга айтиб берай, кимларга айтмай? Умримни тилаган бу сўзларни мен, Қайси қўлга берай, қай дилга тутай?

Ки ахир уларнинг ҳар биттасида Юрагимдан тиллаб узилган жон бор. Беором тунининг нак ўртасида Томиримдан сўриб олинган қон бор!

Менинг жоним қаттиқ, менинг жоним қирқ, Ҳазонрез фаслнинг ҳукми ўтмайди.

Хосият БОБОМУРДОВА

Баҳорнинг бир кунин

Дахшат солиб хайқирдинг юз бор, Ваҳимада титради қирқ жон. Неча кунки оломдин хабар, Нима бўлди энамга, баҳор?

Тунинг бўйи ёғилдинг оҳим, Саваладинг ҳаммани бир-бир. Борманг ҳар куним — гуноҳим, Нима бўлди энамга, ёмғир?

Қовоғингни бунчалар уйдинг, Фовоғингдан чиқар бунча дуд. Юрагини пичоксиз сўйдинг, Нима бўлди энамга, булут?

Ғазабингдан қўқ бағри пора, Ишинг фақат қуйдиқмоқ, ёқмоқ, Дилим нотинч, юрагим яра, Нима бўлди энамга, чақмоқ?

Гулларингнинг бандида тикан, Гумонларга дунё келди тор. Энам мени кечирарман, Нима бўлди энамга, баҳор?

Менинг жоним қаттиқ, менинг жоним қирқ, Ҳазонрез фаслнинг ҳукми ўтмайди.

Хосият БОБОМУРДОВА

Сабо, еткур саломимни!

Қўлланган Нихол Гуллайди

Хурматли таҳрират! Мустақил ҳаёт йўлига қадам қўяётган ҳар бир йигит-қиз касб танлашда ҳато қилмаслиги зарур. Акс ҳолда буни тузатиш амри-маҳол кечади.

Инсоннинг табиятида бирор касбга нисбатан муҳаббат бўлмай иложи йўқ. Касбга қизиқиш эса, унга қобилиятдан келиб чиқади. Яхши мутахассис бўлишда кишининг фазилатлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ота-оналар фарзандларидаги истеъдод ва касбга мойиллиқни яхши кўра оладилар. Шунинг учун бу борада улар фарзандларига ўринли маслаҳат беришга қодирдилар. Аммо шундай ота-оналарни ҳам биламизки, боласининг ўзи эҳтирсан соҳаси қилиб, бошқа бирор қўлайроқ ўқинишга жойлаштиришга уринишади. Аксарият ҳолда бундай талабалар кейинчалик ўқиниш ташлаб кетишади. Институт-ни тамомлашга тақдирда ҳам етук мутахассис бўлишолмайди.

Балован икки келаминг учини тутмаган деб, на у ёқки, на бўёқки бўлмай, аросатда юришади. Шунинг учун ота-оналаримиз бизга тўғри йўл-йўриқ кўрсатишлари зарур. Болам, оғир касбни танлаб-

Сурхондарё

Миллий чолғулар

Сафойил

Урилиб чалинадиган чолғу асбобларининг турлари қаторидан сафойил ҳам жой олган. Бу чолғу Қашқар ва Гулжадан Ўзбекистонга кириб келди. Сафойил уйғур халқининг миллий чолғуларидан бўлиб, рақсга тушганда эркак раққослар қўлида елкага уриб чалинади.

Сафойил бир-бирига темир халқа билан бирлаштирилган иккита таёқчадан иборат бўлиб, уларга майда темир халқачалар кийдирилган.

Созанда сафойилни тўтовсиз силкитиб ундан жара-нгли товуш чиқаради ва ижро этилаётган мусиқа усулига мослайди.

Уйғур халқининг шўх кўшиқлари, рақсларидан хабардоримиз. Шу рақс турларидан бу йигит ва қиз рақсидир. Рақс дуэтида албатта йигит қўлида сафойил бўлади ва уни зўр жозиба билан ишга солади.

Ўзбекистонлик уйғур созандалар ансамблларида сафойил мустаҳкам ўрин олган.

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАҒУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 0473. Сотувда нархи эркин. Ҳажми 2 босма табоқ.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

ҚАТРАЛАР

НАСИБА

Эшик кўнғироғи жиринглади. Қизим илдам бориб эшик-ни очди. Онам! Қўлларида иккита нон!

— Бунини нега кўтариб юрибсиз, овора бўлиб, — дедим салом-алиқдан кейин.

— Невадаларимга илиндим.

— Нонимиз бор оғи, ана идишда. — деди қизим.

— Бу бошқачада, ма қўшиб қўй... Сенларникида жойна-моз ҳам йўқдир ҳали...

Айвонга чиқиб, янги ҳали ёзилмаган катта оқ дастур-хонни олиб келдим.

— Бўладими?

Онамни жойнамоз устида кўп кўрганман.

Сочларида кировдек оқ қўпайибди.

Энди қувватлари илгаригидай эмас, тез чарчайдиган, оғир нафас оладиган бўлиб қолибдилар. Енгил шамол-лаб, кечаси билан йўталиб чиққанига қарамай богчасига кетган ўғлим ҳаёлимдан ўтди. Фарзанд ўстириш нимали-гини энди билаётганлигимни пайқадим. Онамнинг олди-ларида эса, эҳе, узиш мумкин бўлмаган қанчадан-қанча қарзим борлигини сездим. Жойнамоз устида мук тушиб, ўзлари ҳам тушунмайдиган сўзларни, Қуръон сураларини пичирлаб тиловат қилаётган онамнинг кичик гавдаларида йиллар билан бирга қанча меҳнату, қанчадан-қанча мато-нат мужассамлигига энди синчиклаб қараганим учунми, ақлим етганга ўхшайди. Ҳалиги икки нонни невадаларига илинган бўлсалар, бордир, хотинимнинг ҳам ҳа